


М. МАМЕДОВ

ХАЛҚ  
НОМЛАРИ  
ЖОЙ  
НОМЛАРИДА

ФАН



М. МАМЕДОВ

ХАЛҚ НОМЛАРИ  
ЖОЙ НОМЛАРИДА

БИБЛИОТЕКА

Инв № 024750

Джизирин. ГПИ

ТОШКЕНТ  
УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ  
1981

81.2  
М23

Ушбу брошюрада номлар ва этник гуруппалар асосида топонимларнинг вужудга келиши масалалари ёритилади. Лексик-семантик ва структурал-грамматик хусусиятларини анализ қилиш йўли билан этнонимлар ва топонимлар орасидаги алоқанинг қонуниятлари аниқланади.

Брошюра кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир  
филология фанлари доктори  
Б. У. УРИНБОЕВ

Тақризчилар:  
филология фанлари доктори Ш. ШУКУРОВ,  
филология фанлари кандидати А. ИШАЕВ

М  $\frac{70103-1671}{М 355(04)-81}$  160-81 4602000000

🇺🇵 Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1981 й.

## КИРИШ

Шу пайтгача этнонимлар типологик аспектда яхши ўрганилмаган. Ономастикага доир адабиётлар билан яқиндан танишиш ҳам шунга гувоҳлик берадики, ҳали бу соҳада ишланмаган, аммо ишланиши лозим бўлган кўпгина масалалар бор.

Маълумки, этнонимларни ўрганиш, жойларнинг турли-туман номлар бўйича ҳам ўша ерларда яшаётган элатлар, халқларнинг тил хусусиятларини, аталишини билишга имкон беришдан ташқари қимматли материал беради. Айниқса, ўз таркибида турли-туман уруғларга хос бўлган элементларни сақлаб келаётган тилларни ва улар тарқалган территориядаги этнотопонимларни ўрганиш ишида лингвистик методларнинг ўзи камлик қилади. Бундай ҳолда ҳар хил ижтимоий факторларнинг таъсирини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Булар энг аввало ҳар хил археологик ёдгорликлар, этнографик ва антропологик материаллар ҳамда фольклор ва тилга оид фактларнинг мажмуасидан иборатдир. Бу соҳада лингвистик методлар ва бошқа ижтимоий факторларни бирга қўшиб иш олиб бориш яхши натижа беради. Шу йўл билан қадимда элатлар ва қавмлар орасида мавжуд бўлган этник алоқаларни билишда этнотопонимлар жуда катта роль ўйнаганлиги маълум бўлади. Масалан, Ленкоран пасттекислигида тарқалган аҳолини умумий бир ном билан «талыш» деб аташ расм бўлган бўлса-да, бироқ уларнинг этник состави тарихан бир хил ва яхлит бўлган эмас. Аҳолиси эса асосан эроний халқлардан иборатдир. Камал Алиевнинг қайд этишича, баъзи топонимларни ўрганиш шуни таъкидлашга имкон берадики, энг қадимги даврларда Озарбайжоннинг аҳолиси хуррит-урарт аҳолиси билан боғлиқ бўлган аборигенларга алоқадор бўлган<sup>1</sup>. Бу фикрни Кавказ регионидаги

<sup>1</sup> Қаранг: Камал Алиев. Древнее население Азербайджана по данным топонимии. — В кн.: Материалы научной конференции, посвященной изучению топонимики Азербайджана. Баку, 1973, с. 87.

топокомпонентлар ҳам тасдиқлайди. Баъзи мисоллар келтирайлик: **ha** суффикси хуррит, урарт тилларига хос; утий тилида *хо* «сув» демакдир. Бу аслида субар-урарт тиллари оламига бориб тақалади. Шунингдек, **ha** элементи эрон тилига ҳам алоқадор, масалан, *hur* > *хур* «сув», «ичмоқ», «емоқ»; ҳозирги замон форс тилида эса «хурдан». Қиёс қилинг: талиш тилидаги *Рэхшиhur* сўзи таркибида *Рэхш* гидроними бор. Бу сўзнинг таркибидаги *hur* компоненти ҳам «ҳовуз», «табий кўл», «сув» каби маъноларни билдиради. Талиш тилидаги *охур* (озарбайжон тилида ахур) сўзи ҳам шундан бўлиб, «мол хўрак ейдиган жой» маъносини ифодалайди. Қиёс қилинг: форс тилида *абхур* «кружка», эроний тилларда *hur//хур* «жар», «чуқурлик» каби маъноларга ҳам эга.

Шунингдек, **-ha**, **-хе**; **-hur//хур** суффикслари форс тилидаги **-кан//хан** («қудуқ», «булоқ», «чашма») компоненти билан ҳам маъно жиҳатдан бир хилдир. Озарбайжон тилида хэндэк > *хэн* «канал», «қудуқ» ва **-дэк//эк** кичрайтириш аффикси.

Бу фактлардан маълум бўладики, гибрид географик номларни таҳлил қилиш асосида маълум бир территорияда яшаган халқларнинг тилларини аниқлаш мумкин. Масалан, *Шамхор//Шамхур//Шамкур//Шамкир*, *Сыгдаш*, *Самур* жой номларининг компонентлари турли тилларга тааллуқли, лекин уларнинг маънолари бир хил.

Маълумки, агар бирон тилда айни бир маънони билдирадиган турли ўзакли сўзлар мавжуд бўлса, улардан бири ёки бир нечаси, бошқа тилдан ўзлашган бўлади. Шу маънода В. Гукасяннинг «сув», «дарё» маъноларини ифодалайдиган «хе» сўзи лезгин группа тилларига тааллуқли деган фикри шубҳалидир.

Масалан, агуль тилида *хьед*, *шед*; рутуль тилида *хь*, *ед*; цахур тилида *хь*, *ан*; крыз тилида *хь*, *ад*; будук тилида *хьад*; хиналунг тилида *хьу*; лезгин тилида *йад* ва бошқалар. Бундан маълумки, «сув» маъносини ифодалайдиган *хьед-хь* «сув», *ед* «сув», *хь* «сув», *йад* «сув», *хьад-хь* «сув» ва *ад* «сув» элементларидан баъзилари бошқа тиллардан ўзлашган бўлиши керак.

Худди шунингдек, Озарбайжон территориясида мавжуд бўлган *Самур* — *сам//чам* «сув» + *ур* «сув», *Шамхор//Шамкур* < *Шам* «сув» + *хур//ур* «сув» гидронимлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунки, буларнинг маънолари бир хил. Масалли районидаги *Сыгдаш*

ойконимини олайлик. Талиш тилида *сығ* «тош» демак-дир. Д. Д. Пагиров бу номни *сыгна*<sup>2</sup> формасида қайд этган: *сыгна вера* — «тошлоқ жой», «тошлоқ ер». Демак, бу ерларнинг биринчи аҳолиси туркий эмас, балки эроний халқлардан бўлган<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, гибрид географик номларни таҳлил қилиш асосида маълум бир территориянинг энг қадимги аҳолиси қайси тилда сўзлашганини ва қандай тилга мансуб халқ эканини аниқлаш мумкин.

Биз бу китобчада туркий ва эроний тилларга мансуб бўлган баъзи этнонимларни қиёсий-типологик аспектда текширамыз. Материал турли манбалардан йиғилди. Ушбу ишнинг автори 1976—78 йилларда Озарбайжон ССРнинг Ленкоран пасттекислигида ҳам бўлиб, у ердан кўп материал тўплашга муваффақ бўлди. Озарбайжоннинг жанубий шарқида жойлашган бу регионнинг географик номлари шу пайтгача тамомила ўрганилмаган эди. Бу ерларнинг аҳолиси асосан талишлардан иборат бўлиб, улар Совет Озарбайжонининг Астари, Ленкоран, Лерик, Масалли, Жалолобод, Ярдимли районларида ва Эроннинг Гилен вилоятида яшайдилар<sup>4</sup>.

---

<sup>2</sup> Қаранг: Пагиров Д. Д. Алфавитный указатель к пятиверстной карте Кавказского края. Тифлис, 1913, с. 233.

<sup>3</sup> В. А. Гордлевский туркларнинг Кичик Осиёга кириб келишини VIII—X асрларга тўғри келади, деб кўрсатади ҳамда бу ерлардаги туркий уруғлардан халаж, қарлуқ, қангли қипчоқларни санаб ўтади. Қаранг: Еремеев Д. Е. Проникновение тюркских племен в Малую Азию. — «Труды VII международного конгресса антропологических и этнографических наук». М., 1976, т. 10, с. 89.

<sup>4</sup> Қаранг: Пирейко Л. А. Талышский язык. — В кн.: Языки народов СССР. ч. 1. М., 1966, с. 352.

## ТОПОНИМЛАР ПАЙДО БЎЛИШИНING БАЪЗИ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА

Жой номлари маълум территорияларга тарқалган. Бу номлар — конкрет территориянинг маҳаллий номлари тарихий диалектология учун ҳам ниҳоятда қимматли фактик материал ҳисобланади. Улар бизни узоқ-узоқ замонларга етаклайди, ўша замонларда яшаган халқлар, элатлар, уларнинг тиллари, шевалари билан ошнолаштиради. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун жой номларининг пайдо бўлиш усуллари билан танишишнинг ўзи кифоя.

Аслида туркий географик номлар қуйидаги уч асосий усул: лексик, морфологик, синтактик усуллар билан пайдо бўлади.

**Лексик усул** билан пайдо бўлган топонимларнинг қуйидаги типларини кўрсатиш мумкин: а) оддий киши номи (антропоним) билан ифодаланган жой номлари: *Шыхы жајалағы, Шаһна жајалағы, Нэзэр жајалағы* ва бошқалар; б) қўшма ёки мураккаб антропонимлардан ташкил топган жой номлари. *Һачи эмир кэнди, Пир эбулгасым кэнди, Гурбанэфэнди кэнди, һафтһүнү рү* ва бошқалар; в) содда антропоним билан географик терминнинг бирикишидан ташкил топган жой номлари: *Солтәнэкэнд, әһмәдкән* ва бошқалар; г) содда антропоним ва турдош сўзлар (касб-ҳунар номлари, лақаблар ва б.) дан ташкил топган баъзи микротопонимлар: *Гара Мирза, Күлүш Алы, Ләлә паша, Былэ Мәммәд, Дәмирчи Алы* ва бошқалар.

**Морфологик усул.** Маълум группа географик номлар морфологик усул билан пайдо бўлган. Бунда асосан морфологик кўрсаткичлар, яъни аффикслар катта роль ўйнайдилар. Энг маҳсулдор аффикслардан бири **-лы(-ли, -лу)-лу** формаларидир: *Ве сәлли, Губодлы, Имишли, Гочалы, Жалы, Меликли, Гарадонлы, Јагублу, һоровлу, Умудлу, Евоглу* ва Ҳоказо. Бу аффикслар билан ясал-



ган топонимларнинг катта группаси мева ва сабзаёт номларини билдирадиган сўзлардан ташкил топган бўлиб, бирон мева ёки сабзаёт турининг ўша ерда кенг тарқалганини, ўсаётганлигини ифодалайди. Масалан, *Алчалы, Тиканлы, Алмалы* ва ҳоказо. Бундай йўл билан ясалган айрим топонимлар дастлаб этнонимик характерда бўлиб, кишиларнинг маълум касб-ҳунар бўйича турларини ифодалаган. Бунга **-чы//чи, -чу (-чү)** аффикслари билан ясалган ойконимлар мисол бўла олади: *Даначы, Бычагчы, Топчу, Дэмрчи, Горчу, Гарачы* ва бошқалар.

Маълумки, туркий тилларда **-з<sup>5</sup>, -лар//-ләр** аффикслари фақат кўплик формалари бўлиб қолмай, айни замонда географик номларнинг ҳосил қилинишида ҳам морфологик форма ясаш воситаси сифатида хизмат қилган. Бундай йўл билан пайдо бўлган топонимларнинг топоасослари («ўзак қисми») сифат ва от сўзлардан бўлади. *Үнүз* (гунилар), *Дэмирчиләр, Гушләр, Дэлләр, Баллар* ва бошқа яна бир қанча ойконимлар (аҳоли пунктларининг номлари)ни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Баъзи ҳолларда **-лар//-ләр** ўзакларга эмас, балки ясама асосларга қўшилади. *Туллуләр, Дэхәрләр, Илыхчиләр, Дэмирчиләр, Йолчудулар* ва ҳоказо.

Бизнинг тахмин қилишимизча, **-з, -ләр//-лар** аффикслари билан ясалган топонимларнинг биринчи, дастлабки маънолари алоҳида-алоҳида уруғ ёки оилаларнинг номлари билан боғланган бўлиши керак.

**Синтактик усул.** Бу усул билан пайдо бўлган географик номларнинг компонентлари бирикма характердан келиб чиқиб, бир бутун ҳолатга келади. Уларнинг компонентлари орасидаги семантик муносабатлар ўзгариб, бир тушунчани ифодаловчи монолит мураккаб бир birlik ҳолига келиб қолади. Бундай birlikларнинг иккинчи компоненти одатда от сўзлар билан ифодаланadi. Биринчи компоненти эса турли сўз туркумларига оид сўзлардан бўлиб, объектнинг бирон бир белгисини характерлаб, кўрсатиб келади. Масалан, *гөз дәрә < гөз олан дәрә* ёки *гөз дәрәси; Дәстәмаз чај < дәстәмаз алмаг үчүн олан чај* ёки *Дәстәмаз чајы; һачул < һача кедән йол* ва бошқалар. Баъзи ҳолларда бу типдаги номларнинг

<sup>5</sup> Қаранг: Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.—Л., 1956, с. 71.

биринчи компоненти товушга тақлидий сўзлардан бўлади. Бунга нүс-нүс ойконими, *шыр-шыр булаг*, *гар-гар су*, *чыр-чыр булаг* гидронимлари яхши мисол бўла олади.

Кўпгина топонимлар аниқловчили бирикма (биринчи тип изофа) характерида бўлиб, буларнинг биринчи компонентлари сифат сўзлардан бўлади. Бундай топонимларнинг турларини қуйидаги группаларга бўлиш мумкин: а) биринчи компоненти ранг билдиради: *Боз даг*, *гара чај*, *қоқ көл*, *сары көл*; б) биринчи компонент объектнинг конфигурацияси, ҳажми ва жойлашишини кўрсатади: *Ашагы көјнук кэнди*, *бала Гусар*, *кэлэ дэһнэ кэнди*, *Бөјук Шаһағач кэнди*, *Балача Шаһағач кэнди* ва бошқалар; в) биринчи компонент сонни, миқдорий маънони билдиради: *Тедди тэпэ*, *үч тэпэ*, *Гоша булаг* ва бошқалар; г) биринчи компоненти белги-хусусият билдирдиган сифатлардан бўлади: *Туршсу кэнди*, *Истису кэнди*, *Гарабулаг кэнди*, *Гэрэсу кэнди*, *Гызылагач кэнди*, *Пенсэр кэнди*, *Тангэру ди*, *Алоша ди* ва бошқалар; д) биринчи компонент географик объектнинг ташқи кўринишини, характеристикасини ифодалайди: *Сазјери*, *Даш булаг*, *Кечэл даг*, *һавтһони* ва бошқалар; е) биринчи компонент жисмоний етишмовчилик, касалликни ифодалайдиган сўздан бўлади (бундай ҳолатда бу сўзлар метафорик маънода қўлланади: *Көр булаг*, *эјри чај*, *Гөтур тала*, *Дабағ јери*, *овэлэ ди* ва бошқалар; ж) биринчи компонент *-ли//ли*, *-лу//лү* аффикслари билан ясалган ясама сифатлардан бўлади: *Гэвәһи*, *Лэләкәчөр*, *Мәкә бөғ*, *Алчалы дәрә*, *Чичәкли зәми*, *Гыжалы јер* ва бошқалар. Бундан ташқари, бу хилдаги топонимларнинг биринчи компоненти *-лыг//лик//луг//лук* аффикслари билан ясалган сўзлар билан ҳам ифодаланади: *Гаранлыг дәрә*, *Дашлыг зәми*, *Буғдалыг саһәси*, *Гамышлыг чөлү* ва ҳоказо.

Баъзи географик номлар II тип изофали бирикмалардан ташкил топган. Бундай топонимлар қуйидаги кўринишларга эга: а) биринчи компоненти территориал белгининг маъносини ифодалайди: *кәфдар дәрәси*, *Гәмәр Јајлағы*, *Шиндан галасы* ва бошқалар; б) биринчи компоненти ўсимликлар ва дарахтларнинг номларини билдиради: *Бәһли сырти*, *Арпа Гајасы*, *һүлә банд*, *Визе һал*, *кенләшә чөл*, *Тэвәнә вишә* *Визә тоға*, *гэвэл*, *Амбө һүнү* ва бошқалар; в) биринчи компоненти ҳайвонларнинг номларини билдирдиган сўзлардан иборат: *һырса*

лүнә//лөнә кебыза һал, Шонгар булағы, Донуз ағнағы, Дөвшән дәрәси, шәғәлә зер, Донуз дамы ва бошқалар.

Сўз бирикмаларининг III тип билан ифодаланган микро ва макротопонимларнинг сони дунёнинг кўп тилларида чекланган. Масалан, бу хилдаги топонимлардан Озарбайжон территориясида қуйидаги географик номлар учрайди: *Гәмәрван дағынин буруну, урусун ахушун дөшу* ва ҳоказо. III тип сўз бирикмаларидан ташкил топган топонимларнинг кам учраши шундан далолат берадики, бу хилдаги сўз бирикмалари тил факти бўлмай, балки нутқ фактидир. Бу хил сўз бирикмаларининг биринчи компоненти конкрет тушунчани ифодалайди. Шунга кўра, топонимияда унча характерли бўлмаган бундай географик номлар одатда икки тиллилик мавжуд бўлган ареалларда учрайди. Масалан, озарбайжон тили Озарбайжон республикаси территориясида талишлар, татлар, курдлар, лезгинлар, кахурлар, будухлар ва бошқа бир қатор халқлар учун иккинчи она тили ҳисобланади. Бу халқлар тилида озарбайжон тилининг шу қадар кучли таъсирини кўрамизки, профессор Ю. Д. Дешириевнинг фикрига кўра ҳатто янги диалектларнинг пайдо бўлаётганлиги тўғрисида гапириш мумкин<sup>6</sup>.

Шуни қайд қилиш керакки, ҳар бир миллий тилнинг шу жумладан талиш тилининг ҳам топонимияси бошқа тиллар топонимиясида бўлмаган ўзига хос фарқловчи хусусиятларга эга бўлади. Айтайлик, рус топонимиясининг структураси учун аффиксация характерли бўлса, туркий тиллар топонимиясида суффиксация, сўз қўшиш, қўшма сўз ва сўз бирикмалари йўллари билан ясаиш кўп учрайди ёки шу усуллар бу тиллар учун характерлидир. Масалан, *Тангәру, турәди, шијәкәон, ожәкәон, Супарибағ* типидagi кўплаб топонимлар шулар жумласидандир.

Ленкоран пасттекислигида бута, бутазор, турли-туман ўтлар, тепалик, дўнглик, ботқоқлик, дарё, ариқ ва бошқа шунга ўхшаш маъноларни ифодалайдиган ойконимлар жуда кенг тарқалган. Масалан, *Селәкон, Сардов, Бырыәдә, Керәбын, Ванәһәмә, Теләви, Күләтон, Шичыр, Шичырәрү, Новикер, Вәјүјәсығон, Ләләкәһәјм, Сипјәпард, Шырмытәбанд, Нығләгәвөл* ва бошқалар.

<sup>6</sup> Қаранг: Дешириев Ю. Д. Развитие младописьменных языков народов СССР. М., 1958, с. 189—195.

Шунинг учун ҳам Ленкоран пасттекислигида тарқалган ва ўсимлик номларида ифодаланган топонимлар таркибида кўпинча деминутив суффикслар (масалан, Ләлэкчор, Хүнәҗни, Пенәшывү, Тырдә, Сәфикумәчо ва бошқалар) учрайдики, бундай топонимлардан пайдо бўлган ойконимларда ўша деминутивлик маъноси йўқолади ёки бундай маъно ифодаланмайди ҳамда, бошқа хилдаги топонимларга ўхшаш, уларда ҳам суффикслар оддий топонимларга ҳисобланаверади.

Географик номларнинг пайдо бўлишида маҳаллий ер шароитининг физик-географик белги-хусусиятлари муҳим роль ўйнайди. Бу ўринда сифат, ранг, сон ёки миқдорий белгиларни ҳисобга олиш керак. Масалан, *Һафthonи, Секәшон, Дилимәди, Алтыағач, Дыдонәбанд, Оваләди, Тыршәчөл, Шорсулу, Сипjәпард, Сижокер, Гарақөл* ва ҳоказо. Бундай топонимлар қуйидаги грамматик усул билан пайдо бўлган ёки юзага келган: а) сифат ва соннинг от билан қўшилишидан; б) тенг сўзли бирикмалар (от туркуми доирасида).

**Сўзларнинг тенг бирикиши** (ёки тенг сўзли бирикиш). Бу типнинг қуйидаги группаларини ажратиш мумкин. а) компонентлари ёки сўз элементлари бирор воситасиз бириккан номлар: *Алошо* < а + ло + шо «тоғнинг охири яъни тугаган қисми», *Ағалынгә* < аға + лынг + ә «муқаддас кишининг изи», *Гованг* < го + ванг «сигирнинг маъраши, сигир овози», *Мешго* < меш + го «ариал учун махсус жой», *Лобыр* < ло + быр «бутанинг бир бўлаги», *Рығынса* < рығын + са «тошнинг юқори қисми», *Бандов* < банд + ов «тоғ суви», *Сижокәш* < сижо + кәш «дарёнинг қора қисми» ва ҳоказо. б) компонентлари [а] унлиси ёрдамида бириккан номлар: *Балымәбо* < балым + ә + бо «арпа сомони»; *Быради* < быр + ә + ди: быр «бута», ә + ди «қишлоқ», *тангәрjү* < тангә + ә + рjү — танг «тор» + ә + рjү «дарё», *Бижәсо* < би + ә + со < би//биф «биҳи» + ә + со «ҳовли», *Дилимәди* < дилим + ә + ди < дилим «бирон нарсанинг бўлаги» + ә + ди «қишлоқ»; *Чәнкәмидан* < Чәнк + ә + мирән < чәнк «ўрмон» + ә + мурен//мирен «дарё», «оқим» ва бошқалар.

**Сифатнинг от билан бирикиши.** Кўриб ўтилган аҳоли пунктларининг номлари ичида аслий сифатларнинг отлар билан бирикишидан пайдо бўлганлари озчиликни ташкил этади. Буларга қуйидагиларни мисол тарзида кўрсатиш мумкин: *Ужәкәон* < уж + ә + кә + он < уж «очиқ»

+а+кә «уй»+он — кўплик сон формаси; *Сижōв* < *Сијо* + *ов* < *сијо* «қора»+*ов* «сув», *Синјанард* < *синјә* + *пард* < *сипи* «оқ»+*ә* — сифат кўрсаткичи — пард «кўприк» ва бошқалар.

**Саноқ сонларнинг от билан бирикиши.** *haftband* < *haft* + *band* < *haft* «етти»+*band* «тоғ»; *Чукаш* < *чу* + *кәш* < *чу* «тўрт»+*кәш* «бутоқ», «бирон нарсанинг қисми»; *Дырија* < *дырија* (*ды* «икки» — *рија* «сўқмоқ»), *haftпуну* < *haft* + *пуну* < *афт* + *пуну* // *haft* «етти», *пуну*, «анҳор», «сой» ва бошқалар.

Булардан ташқари, ана шундай географик номлар ҳам учрайдики, уларга асос бўлган баъзи сўзларнинг семантик ўзгариши натижасида маънолари хиралашган. Бу хилдаги топонимларга Сым, Би, Сак, Сэрэк, Лик > Лерик ва бошқа шунга ўхшаш номларни кўрсатиш мумкин. Масалан, Сым ойконими Озарбайжон ССР нинг Астари районида. Қишлоқнинг маҳаллий аҳолиси талишлардир (ўзларининг аташларича толош, бошқача номи эса голош). Кекса кишиларнинг маълумотларига кўра бу қишлоқнинг аҳолиси аслида Мики қишлоғидан кўчиб келган. Илгари бу қишлоқнинг жанубий қисмини «ути» деб аташган. Сым қишлоғининг ери тошлоқдан иборат. Бундан ташқари, Унуз қишлоғидан узоқда бўлмаган қадимги Шиндана қалъасининг яқинида ҳам Сым ойконими учрайди. Бу қишлоқнинг аҳолиси ҳам унузлардан иборат (булар талишлар орасида яшайдилар) бўлиб, фақат озарбайжонча сўзлашадилар: В. В. Бартольднинг ёзишича *ши* // *шим* сўзи туркий бўлиб, «тош» демакдир. Шавани эса (Documents, p. 140) уни анча кейинги даврда туркий «тош» сўзи билан солиштиради. Ҳақиқатан географик шароит ҳам шуни исботлайдики, *сым* < *шим* «тош» деган маънони билдиради, чунки талиш тилида ҳам *сым* ёки *сыф* > *сымбә* «тош», «босмоқ», «оёқ ости қилмоқ», «оёқ ости қилишган жой», «кўза», «кичкина чуқурлик» каби маъноларни билдиради.

Топонимларнинг пайдо бўлишидаги асосий факторлардан бири уруғ-қабилла номларидир. Уруғ-қабилла номлари асосида пайдо бўлган топонимларни илмий жиҳатдан ўрганиш, баъзи тарихий факторнинг моҳиятини очишга ёрдам беради. Этнотопонимларни ўрганиш шуни кўрсатадики, архаик этнослар (этник номлар) қоидага кўра, кўрсатувчи компонент бўлиб келадилар. Бунга *Тәбриз* // *Тәвриз* ойконимининг этимологияси яхши мисол:

бўла олади. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, бир неча йиллар мобайнида бу ойконимнинг этимологияси жиддий мунозарага сабаб бўлди, шу муносабат билан турли-туман фаразлар, тахминлар ҳам билдирилди. Шу нарсага эътибор бериш лозим бўладикки топонимни изоҳлаш, тушунтириш учун танланган тил тарихий жиҳатдан ҳам тўғри бўлиб чиқиши керак. Шунинг учун бўлса керак Э. А. Гранатовский шундай ёзади: Авестода Тарви сўзи *Zairiça* < *Zur-li/-iça* деган девнинг номи билан бирга эсланади (қиёс қилинг: ўрта форс тилида *Tachiç* ва *Zairiç*). Тавриз номининг дастлабки формаси *Tarvaiça* ёки *Tavriça* тарзида бўлган бўлиши мумкин<sup>7</sup>. Масалани бундай тушунтириш шубҳасиз туркологнинг эмас, балки эроншунос олимнинг фикридир. Агар тиллараро контакт ва алоқаларнинг тарихига бир назар ташласак, эрон тилларида жумладан қадимги форс тилида турк субстратнинг борлигига ҳам амин бўламиз. Озарбайжон ССРнинг Ленкоран зонасида учрайдиган ва турк-олтой тилларига тегишли бўлган талиш этноними бунга яққол мисол бўла олади.

Маълумки, Кичик Осиёда Табор//Табр//Табриз ороними «тоғ» деган маънони билдиради (*Тавра* «тоғи» Кичик Осиёнинг жанубий ва жануби-шарқий қисмида жойлашган). Булардан ташқари, Озарбайжонда бир қатор географик номлар борки, масалан, Тавардаг (шу номдаги шаҳар, Нахичевань АССРда), Таваратепа дағи (Гашгар ва Ганжа дарёларининг ҳавзалари орасида, Ханлар шаҳридан жануби-ғарб томонда), Таварача дағи (Таварачай шаҳри) — Гобустонда. Яна бир қизиқ факт то XIV асрга қадар Қримни баъзан Тавария (IV асрда ўтган византиялик шоир Прокопия асарларида ҳам шундай), баъзида эса Таварий (қадимги рус солномаларида) деб аташганлиги маълум. Балки бу ерларда антик даврда таварлар, скифлар, греклар, сарматлар, олонлар ва готлар, ўрта асрларда эса греклар, гунниллар, хазарлар, булғорлар, печенеглар, половецлар, русслар, олонлар, татарлар, туркий халқлар яшаганлар ёки шу ерлардан ўтганлар<sup>8</sup>.

М. И. Артомоновнинг ёзишича, тоғлик Қримнинг Қизилкобин маданияти эҳтимол, Кавказнинг ғарбий

<sup>7</sup> Қаранг: Гранатовский Э. А. Ранняя история иранских племён Средней Азии. М., 1970, с. 281.

<sup>8</sup> Қаранг: Якобсон А. Л. Крым в середине века. М., 1956, с. 3.

қирғоғининг долмин маданиятига бориб тақалади ва у Қрим чўлларини эгаллаган катаком маданияти билан боғланмайди. Бу маданият таврийларнинг ёзма манбаларидан маълум бўлиб, уни кўп тадқиқотчилар асосли далилламаганлари ҳолда, киммерейлар маданиятининг излари (қолдиғи) билан боғлайдилар<sup>9</sup>. Шундай қилиб, «Табри-тарвакис»нинг кейинги формаси *кис* компоненти билан боғланган бўлиб, бу *кис* компоненти шу объектнинг маълум шахсларга тегишли эканини, бу билан боғланганлигини кўрсатади<sup>10</sup>. Бироқ И. М. Дьяконов «Табри-тарвакис» (ҳозирги Табриз)ни ичма-ич ёки қўш қўрғон («двойная крепость»), деган маъно билан боғлайди ҳамда рельефига қараганда ҳам *табр//тарб//табрун* «қўш тоғ» деган маъноларни билдиради деб ёзади. Унинг тушунтиришига қараганда Табрун-тарвакис изофали конструкцияси эса *табор//тавр*ларга тегишли бўлган тоғ деган тушунчани англатади<sup>11</sup>.

Маълумки, кўпчилик туркий этнонимлар таркибида *ар, гур, ур, ир* каби қўшимчалар учрайдики, булар аслида турлича ўзгарган бўлишига қарамай, бир сўзга бориб тақалади<sup>12</sup>. Масалан, *бургар, аургар, хазар, аунгар, сабир, авар, топур* каби. Буларнинг бир қисмини грек манбаларидан бизга маълум бўлган уруғ номларига ўхшатиш мумкин.

Тарихий география (ёзув ёдномалари)нинг гувоҳлик беришича, Тапур (*пур//бур//ур* форманти билан) туркий уруғ номидир. Бундан *та//та//тау* қисми «тоғ» деган маънони билдиради. *Пар//бар//вар//ар* компоненти эса (Масалан, Гадживар, Махмудовар ва бошқалар) Озарбайжон территориясида кўп тарқалган бўлиб, қишлоқ, жой, «уй», «уруғ», «қабилла», «оила» каби маъноларни билдиради. Қиёс қилинг: Табор *تبار* «қариндош», «авлод», «насл-насаб», «хеш», *табор*, «қариндош-уруғ» демакдир. *Табор* *تبار* уруғнинг мужской роди (ўзбек

<sup>9</sup> Қаранг: Артомонов М. И. Коммерейцы и скифы. Л., 1974, с. 20.

<sup>10</sup> Қаранг: Радлов В. В. Словарь тюркских наречий. т. II, ч. I, СПб., 1905, с. 874.

<sup>11</sup> Қаранг: Дьяконов И. М. История Индии. М.—Л., 1956, с. 216.

<sup>12</sup> Қаранг: Пуглевская Н. Сирийские источники по истории народов СССР. М.—Л., 1974, с. 83.

ва афғон тилларида); тебер, табир, тапу تېر، تېير، توپر қадимги халқ номи бўлиб, бу халқ ислом давригача Тапуристон деб аталган Мозандарон (ислом давридан кейин то XIII асрларгача Табаристон деб номланган) вилоятида яшаган. Табор — Чехословакиядаги бир шаҳарнинг ҳам номи, бу сўз славян группа тилларида лагерь деган маънони билдиради. Масалан, ўрта аср олими Ал-Биладзори (IX аср)нинг ёзишича, Осмон ибн Аффон Озарбайжондан Утбуни чақириб олади ва унинг ўрнига Валид ибн Убку ибн Абу Муъайтни тайинлайди. Волид Муқан, Табир, Тайласан шаҳарларига ҳужум қилиб кўп мол-мулк, одамларни ўлжа олади. Бу фактлар ҳам кўрсатадики, табир, табар сўзлари тарихий обидаларда жуда кўп учрайди.

В. В. Бартольднинг ёзишига қараганда, Каспий денгизининг атрофларидаги баъзи вилоятлар Мозандарон ёки Табаристон деб аталган. Мозандарон номи XI асрда форсларда учрайди. Араблар эса бу областни тапур деган халқ номи билан атаган. Аслида Афғонистон, Белужистон ва ҳоказо деб номланишга мослаб бу вилоятни ҳам Тапуристон деб атаган маъқул. Бу ном ва шундай атама VIII асрдаги тангаларда ҳам учрайди, IX ва X асрларга келиб, уни сал ўзгартириб Табаристон тарзида талаффуз қилинган, лекин унинг географик ва этник келиб чиқишини билишмаган. Бу географик атаманинг тапур халқининг номидан олинганлигини мусулмонлар жуда вақтли эсларидан чиқариб юборганлар<sup>13</sup>.

Г. Виклер, Штрек ва Масперо деган олимлар арабларни Бақтрия ва Гиркапияда яшаган тапирлар билан қиёс қилади. Қизиғи шундаки, гиркан ўрмонлари ҳозир ҳам Озарбайжон ССРнинг Ленкоран пасттекислигида (Жалолобод ва Масалли районларининг оралиғида) жойлашган.

Бу ўринда шу нарсани ҳам эслаш керакки, рус тилида мавжуд бўлган «цыганский табор» (циган табори) иборасидаги табор сўзи ҳам XVIII асрда рус тилига турк тилидан ўзлашган. Қиёс қилинг: «Тапур» طابور (Osm. Қгм./Папкур — ҳарбий овоз) ҳарбий карвон, колонна<sup>14</sup>.

<sup>13</sup> Қаранг: Бартольд В. В. Место прикаспийских областей в истории мусульманского мира. Баку, 1924, с. 33.

<sup>14</sup> Қаранг: Радлов В. В. Словарь тюркских наречий. т. III, ч. I, с. 978.



Туркологлардан Лигети, Банг, А. Фон, Габэн каби олимлар қадимги даврда туркий тилларда кўплик маъноси -з элементи ёрдамида ифодаланган деб таълим берадилар. Уларнинг ёзишларича, бу аффикс энг аввало жуфтликни ифодалайдиган сўзларда учрайди:

*мениз* — «юз», *олмуз* — «елка» (иккита), *көкуз* — «кўкрак», *ағуз* — «оғиз» (иккита ияк). Н. К. Дмитриев «Грамматика башкирского языка и...» (М., 1948) номли асарида кесимлик категорияси ҳақида гапириб: ҳозирги бошқирд тилида бу кўпликнинг икки хил белгисини фарқлаймиз: 1) *-лар//ләр, -тар//тәр; -дар//дәр; зар//зәр* аффикси. Бу аффикс ҳозирги тил учун кўпликнинг асосий белгиси ҳисобланади. 2) *-ыз//ез, -өз//оз, -з*. Бу аффикс бошқирд тилида ва кўпгина бошқа туркий тилларда ҳам архаик форма ҳисобланади.

Шундай қилиб, Н. К. Дмитриевнинг фикрига асосланиб, қуйидаги фикрни айтиш мумкин: *Табор* > *Табриз* «тоғлик бор (*//нур//вур*) қабиласининг ватани, юрти» демакдир. Қиёс қилинг: *табир* ва унинг антоними *сабир* (<*сај//чај* — «сув», «дарё» + *бор* «уруғ», «халқ») тоғда ва пастликда яшайдиган халқ деган маънони билдиради. Булардан ташқари, ҳозирги Озарбайжон территориясида шундай топонимлар ҳам кўплаб учрайдики, улар турли даврларда яшаган халқлар, элатларнинг тиллари, уруғ-аймоқларини ўзларида ҳозирги кунга қадар сақлаб келади. Бундай топонимлар таркибида учрайдиган қуйидаги уруғ-аймоқ, элат ва халқ номларини алоҳида қайд этиб ўтишни ўринли деб биламиз. Масалан, таллар, сабирлар, аварлар, тапурлар, айримлар, алпаут, орат, бахарлы, баят, бегдилли, гажар, халаж, газохлы, каракоюнлы, қыпчак, мўгал, уйуз, үнүз, муганлы, тәкәли, бум, тәрәкәмә, туркмән, сувар, турк, дчыгатай, гаргар, қанлы, сугант, джорот, джалайир, уратли, шомли, шахсеван, энг, кангарли, гушлар, уз, сақ, массол ва бошқалар. Бу уруғ-аймоқларнинг ҳозирги авлодлари озарбайжон тилида сўзлашадилар, бироқ юқорида ҳам эслатиб ўтганимиздек, бундай этнонимлар билан қўлланадиган ва аталадиган топонимлар ҳозирда ҳам кўплаб учрайди. Юхары, Айрим (Келбежар районида), Алпоут (Барда, Казах), Бахарлы (Агдам, Зангелан), Боят (Агжабеди, Сальяны), Бейдилли (Пушкин, Сальяны), Қыпчак (Астара, Гахи, Закатала), Гажар (Физули), Газохлы (Дашкесан), Газохлар (Бар-

да, Физули), Гушлар, Йолагаж (куткашен), Каракуюнлу (Ахсу, Барда, Кубатлы), Холож (Астара, Сальяны, Кубатлы), Талыш (Мирбашир), Муганлы (Агдам, Барда, Ильичевск), Текели, Джорат, Сугант, Туркмен, Афшар (Абшерон), Туркмен (Барда, Геокчай), Татар (Джабраил, Кубатлы), Тюркеди (Кюрдамир, Сабир-абад), Тюрклар (Лачын), Дыгатай (Хачмас), Джелаир (Джалалабад, Ахсу), Шамлы (Куткашен, Зангелан), Шахсевар (Агджебади, Кюрдамир), Мардакон, Зыг (Абшерон), Лерик, Зангазур, Кубатлы, Масалли ва бошқалар.

Бу айтилганлардан ташқари, бошқа турли тилларда сўзлашадиган ҳар хил этник группалар ҳам учрайди: лезгин, қахур, авар, удик, халут, курд, тот, талиш, ляхидж, курд-халаж ва бошқалар.

### ЭТНОТОПОНИМЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-ЛИНГВИСТИК АНАЛИЗИ

Антик даврда Мидия ва унга чегарадош бўлган районларда каслар, узлар, утилар, микилар, леглар, гелилар, амардлар, таллар каби турли-туман уруғлар яшаган. Булардан баъзилари кадусларнинг составига кирган. Қадимги грек авторлари (эрамизгача бўлган VI—V асрлар) албанлар билан бирга амардларни ҳам тилга олиб, уларнинг яшаганларини қайд қилишади. Бироқ кўпчилик кавказшунослар Гуткаш районида ва Варташен шаҳрида яшаётган удинларни Кавказ Албаниясининг энг қадимги абореген уруғларидан бири деб ҳисоблашиб, уларнинг тилини эса дунё тилларининг иберокавказ оиласига киритадилар.

Уйлаймизки, талиш ва удин тилларини типологик аспектда қиёсий ўрганиш удин тилининг ҳақиқатан ҳам иберокавказ оиласига мансублиги ҳақидаги қарашларга аниқлик киритади ва бу ҳақда тўлароқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Аслида кўпгина тарихчилар ва тилшунослар бу масалага, яъни удин тилининг иберокавказ оиласига киритилишига шубҳа билан қарайдилар. Кавказшунос олим М. Саадиевнинг фикрича, бизнинг замонамизгача сақланиб қолган ва ўзларининг она (удин) тилларида сўзлашадиган удинлар масаласи фанда ҳали ўрганилмаган.

Страбон (эрамизнинг I асри) ўз вақтида Албаниянинг тепасидаги тоғларда амазонкалар яшайдилар деб

маълумот берган. Феофан (Митилинский) Помпейнинг ҳарбий юришларида иштирок этган ва албанларнинг орасида ҳам бўлган. Унинг айтишига қараганда, амазонкалар билан алтанлар ўртасидаги ерларда геллар, лег-скифлар яшаган. Геллар-шелонлар ўзларининг изларини қадимги албан округи бўлмиш Гелаву номида қолдирган. Бу ном Гирдиман-чай дарёсининг юқориси-га, Шемахи шаҳрининг шимоли-ғарбига тўғри келади. Геродот (эрамиздан аввалги V аср) ана шу гелонларни будинлар деб атайди. Улар ёғочдан қилинган Гелон шаҳрида яшаганлар. Бу фикр Птолемей томонидан ҳам тасдиқланади (бизгача унинг бузиб ўқилган варианты етиб келган: Tēlaīra — Tēlaeva).


Страбоннинг маълумоти Феофаннинг китобидан ўз даврида фойдаланган Плутарх томонидан ҳам маъқулланади. Плутархнинг ёзишига кўра, амазонкалар Кавказнинг Гиркан денгизига ёндашадиган (тақалиб борадиган) қисмида жойлашганлар, улар билан албанларнинг орасидаги ерларда геллар ва леглар яшайдилар<sup>15</sup>.

К. В. Тревер «Мен Албаниянинг жанубидаги территорияларда яшаган кодуслар, амардлар масаласига тегинмайман»<sup>16</sup>. Агарда К. В. Тревер Жанубий Албания масаласига ҳам махсус тўхталганда эди, эҳтимол масаланинг баъзи томонларига тузатишлар, аниқликлар киритган ва Геродот билан Страбон фикрларининг тўғрилигига қўшилган бўлур эди. Чунки, К. В. Тревернинг ўзи ҳам Страбоннинг албанлар ва арманлар билан геллар, кадуслар, амардлар, анаракларнинг яшаган жойлари ҳақидаги маълумотини эслаб ўтади. Эрамиздан аввалги II асрда яшаган грек тарихчиси Флавия Арианнинг сўзлари бўйича мидианлар билан бирга кадуслар, сакезитлар ўша даврда яшаганлар ва бирга бўлганлар (Астариин районидаги қадимги Шиндан қалъаси яқинидаги Сакашин ойконимини қиёс қилинг).

Маълумки, Ленкоран пасттекислиги қачонлардир Кичик Мидиянинг территориясига қараган. Қадимги Мидия эса шимоли-ғарбдан Урарту давлати билан, шимолдан эса Албания билан чегарадош эди. Каспий денгизининг қирғоғи бўйлаб, шимол томонидан Мидияни

<sup>15</sup> Қаранг: Камал Алиев. Кавказская Албания. Баку. 1974, с. 133—139.

<sup>16</sup> Тревер К. В. Очерки по истории культуры Кавказской Албании. М.—Л., 1959, с. 44—45.



Эльбруснинг нариги томонидан жойлашган ҳўл, сернам субтропиклар полосаси — кирий, геллар, кадуслар ва бошқа майда уруғларга қарши бўлган ўрмонли вилоятлар ўраб олган эди<sup>17</sup>.

Осурийларнинг миждия (Мидия) ҳужжатларида учрайдиган топонимик х номларнинг гувоҳлик беришича, Мидия территориясида ҳар хил тил группалари мавжуд бўлган. Бу тил группалари Эрон аҳолиси ва Автохтон аҳолисига тегишли бўлиб, таъминан бизнинг эрамиздан олдинги VII асргача буюн Мидия территориясига тарқалган. Шунинг учун ҳам М. Ширалиевнинг ҳозирги озарбайжон тили Мидия уруғларидан бирининг диалекти асосида шаклланган деган фикри тасодифий эмас<sup>18</sup>.

Тўғриси, эронлашишгача бўлган қадимги Озарбайжонда ҳар хил уруғларнинг тиллари мавжуд бўлган, буларнинг орасида, шу бхасис маҳаллий туркий уруғлар (савирлар, тапурлар, тааллар ва бошқалар)нинг тиллари ҳам бор эди. Бизнингча, бошқа авторларга қараганда И. Алиевнинг қуйидаги фикри анча тўғрига ўхшайди: антик давр манбаларининг маълумотларига (эрамиздан аввалги V аср) қараганда, утилар илгари Эрон Озарбайжони территориясида жойлашган Араксадан жануброқда яшаганлар ва кейинроқ улар шимол томон силжиганлар. Ниҳоят, утилар (Птолемейда — Отена) эрамизнинг II асрида К ури дарёсининг бўйларида пайдо бўладилар. Арман манбаларида «отена» деб Албаниянинг бир қисми тушунилган. Баъзи манбаларда бутун Албанияни Ути, албанлар эса утилар деб аталади. З. И. Ямпольскийнинг ҳақиқатга яқин бўлган фикрига асосланиб Н. Пигулевская кутиларнинг номлар заминида ҳам ана шу этник ном (манбаларда турлича: утилар, утийлар, удилар, удинлар, отенлар) сақланган ва бу ном албанларнинг ўз-ўзларини аташларидир деб ёзади. Агар бу фикр тасдиқланганда эди у ҳолда ҳеч бўлмаганда кутилар билан албанларнинг қариндош эканликларини қувватлаган бўлар эди<sup>19</sup>. Бизнинг фикримизча, улар қадимги аборигенлардир, уларнинг жойлашган

<sup>17</sup> Қаранг: Дьяконов Н. М. История Мидии. М., 1956, с. 86.

<sup>18</sup> Қаранг: Ширалиев М. «Изв. АН Азерб.ССР». 1953, № 2, с. 69.

<sup>19</sup> Қаранг: Иггар Алиев. История Мидии. Баку, 1960, с. 86.

территорияси эса Годус, Кадус бўлиб, Ленкоран паст-текислигидаги ҳозирги Талишдир.

Плинин (эрамизнинг I асри) эса удинларни Каспий денгизи бўйларида албанлар билан қўшни яшаган бир халқдир деб ҳисоблайди<sup>20</sup>. Страбон ҳам Каспий денгининг жанубий қирғоқларидаги тоғларнинг яримой шаклида эканлигини тасвирлаб, бу тоғларнинг ёнбағирларида албанларнинг бир қисми яшайди деган маълумотни беради<sup>21</sup>. Бу фикрнинг тасдиғини биз сайёҳ Адам Олеариядан топамиз. Бу сайёҳ Ленкоран ерларининг тузилишига характеристика бериб, уни яримой шаклида эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади<sup>22</sup>. И. А. Бакиханов ҳам удинлар улар жойлашган Нуҳи (ҳозирги Шекин) районининг аборигенлари эмас, балки жануб томондан кўчиб келган келгиндилардир, дейди. Шарқшунос олимлар Ути ва Мики этнотопонимлари билан боғлиқ бўлган бир неча географик номларни қайд этганларки, бу номлар А. Бакиханов фикрининг тўғрилигини қувватлайди. Масалан, К. Риттернинг ёзишича: Геродотнинг ёзувларида ҳам айтилганки, бошқа кўп ерлар билан бирга таманитлар ва микиларнинг жойлари ҳам ўн тўртинчи ҳоким (сатрап)га қарашли бўлган<sup>23</sup>. Ҳақиқатан ҳам Геродот утилар, микилар ва париканлар тўғрисида жуда қизиқ маълумотларни келтиради. Геродотнинг ёзишича, улар ҳам бактиларга ўхшаб қуролланганлар. Утиларнинг бошлиғи Доронинг ўғли Арасман бўлган, париканларга эса Эободнинг ўғли Сиromетра бошчилик қилган. Бизнингча, Камал Алиевнинг Страбон томонидан тилга олинган утиларнинг қадимги Кавказ Албанияси территориясига эҳтимол ҳеч қандай алоқаси йўқдир, деган фикри тўғрига ўхшайди. Е. А. Лалаян ҳам удинларнинг автохтонлигига шубҳа билан қараб, улар ўзлари яшаётган ернинг аборигенлари эмас, балки кейинги даврларда келиб жойлашган имигрантлардир, деган фикрни билдиради. Варашли Гукасяннинг фикрига қараганда, удинлар Кавказнинг Озарбайжон ССР территориясида яшаётган энг қадимги этник

<sup>20</sup> Қаранг: Токарев С. А. Этнография народов СССР, М., 1958, с. 228—229.

<sup>21</sup> Қаранг: Риттер К. Иран, СПб., 1874, с. 112—113.

<sup>22</sup> Қаранг: Путешествие Адама Олеария в Москву и Персию в 1633. М., 1870, с. 944.

<sup>23</sup> Қаранг: Риттер К. Иран, СПб., 1874, с. 112—113.

группаларидан бири. Удинларнинг қадимги авлодларини, хусусан утиларни ҳатто Геродот ҳам эслайди. У бизнинг эрамизгача бўлган 490 йилдаги эрон-грек урушини тасвирлаб, Эрон армиясининг XIV сатрани составида утилардан ҳам солдатлар бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

И. В. Гукасян Озарбайжон ССРнинг иккита — Нидж ва Варташен қишлоқларида ҳамда Грузия ССР территориясидаги битта — Октомбери (Зикобиани) қишлоғида ҳозиргача сақланиб қолган удин тили масаласига тўхталиб, бу тил қадимги Кавказ Албанияси даврида тарихан кенгроқ территорияга тарқалган эди, дейди<sup>24</sup>. Авторнинг кўрсатишича, ҳозирги пайтда бу тил ўз ёзувиغا эга бўлмаган тиллардан бири бўлиб, иберий-кавказ тилларининг лезгин подгруппасига киради ҳамда ўз ичида иккита диалектга бўлинади. Булардан бири нидж, иккинчиси варташен диалектидир.

Куткашен ва Варташен районларидан йиғилган географик номларнинг лингвистик анализи қуйидаги хулосани чиқаришга имкон беради: уруғ, қабила номларида, атоқли отлардан, қисман эса ороним ва гидронимлардан ташкил топган топонимлар келиб чиқишларига кўра туркий ва эроний тилларга мансубдирлар. Бу ерда яна шу моментни қайд этиш керакки, ҳақиқий удин тилига хос бўлган сўзларнинг талиш ва курд сўзлари билан бир хил эканлиги маълум бўлди. Текширишлар натижасида яна шу нарса маълум бўлдики, баъзи қишлоқларда аҳолининг этник состави билан қишлоқ номи орасида боғланиш ва алоқа йўқ. Масалан, Гәәләрван, Блых қишлоқларининг аҳолиси лезгинлардан иборат; Курд, Заргин қишлоқларининг аҳолиси эса озарбайжонлардир. Мирзәбейли ва Нидж қишлоқларининг аҳолиси эса озарбайжонлар ва удинлардан иборат. Булардан удинлар илгари Кадуслар составига кирган ва Шимолий Озарбайжонга эрамизнинг V—VI асрларида кўчиб келишган. И. В. Гукасян асосли ва муҳим бир тезисни ўртага ташлайди: Озарбайжон ва удин тилларининг лексик-фонетик материали бу тиллар орасидаги ўзаро алоқа ва таъсирни эрамизнинг IV—V асрларида бошланган деган тахминни айтишга имкон беради. VII аср

<sup>24</sup> Қаранг: Гукасян В. Удинско-азербайджанско-русский словарь. Баку, 1974, с. 15.

да яшаган албан тарихчиси Моисей Утийскийнинг хабар беришича, V—VI асрлар Эрон шаҳаншоҳи Хусрав I Ануширавоннинг қариндоши, қандайдир Михр деган шахс 30000 оила билан Шимолий Озарбайжонга кўчиб келади (Қазвини ва Кесрави буларни кадуслар эди деб айтади).

Камал Алиевнинг ёзишича, VII аср арман географияси яна шундай фикрни айтишга имкон берадики, каспийларнинг яшаган территориялари Кура қишлоғи ва Араксадан жануброқда бўлиб, Араксанинг жанубий ҳавзасини ҳам ўз ичига олар, ҳамда жанубга томон чўзилиб Талиш тоғигача борар эди. Бироқ VII аср арман географиясида айтилишича, Каспий ўзининг жануби-ғарбий қисми билан Гиркания, Мидия, Гел ва Делм ерларига бориб уланади... Ути области зайтун ва қитрус дарахтларини ишлаб чиқаради<sup>25</sup>. Эҳтимол, бу область Курадан жануброқда, қадимги Мидиянинг шимолида жойлашган. Бу ерлар ҳозирги Озарбайжондаги Ленкоран пасттекислигининг ўрмонли ўлкасидир. Геродотнинг маълумотига қараганда, удинларнинг территориясига чўл ерлар уланиб кетади. Бу жойларни ҳозирги Кура ва Араксанинг қуйиси, Каспий денгизининг қирғоғигача келган Муған ва Салъян пасттекислиги деб фараз қилиш керак. Бу ерлардан шимолроқда Кавказ массагетларининг мамлакати бор эди. Удинлардан шарқда ва ғарбда яшаган халқлар эса скифлар билан сакларнинг қўшнилари эди. К. Риттернинг қайд қилишича, форслар ва ҳиндлар кўчманчи туранларни сақлар, греклар бўлса уларни скифлар деб аташган. Шундай ҳам Албаниядаги ути халқининг тили (буларнинг бир қисми сабарлар деб аталган) ҳозирда Кавказ типига киради.

Шуни айтиш керакки, удин сўзи кути сўзидан олинган (удин < кути) бўлиб, баъзи тарихчиларнинг айтганларидек, келиб чиқишига кўра эроний тилларга мансуб. Қиёс қилинг: талиш тилида *Ути* < *кути* < *ку//у* «тепа», «баландлик», «ошқовоқ», «кўр» ёки «ёнғоқ», «котлован» каби маъноларни билдиради; *Ту//ди* < *диз* сўзидан бўлиб, «қўрғон», «тўсиқ» демакдир (қиёс қилинг: *диз* < форсча «қўрғон»). Талишча *дизэ* «сопол қозон» ҳам шундан ясалган. Бу термин (*диз+э*) ўзидан кейин

<sup>25</sup> Қаранг: Армянская география VII в. Перевод и примечания К. П. Пахтамова, с. 51.

«идиш» маъносини билдирадиган **аб** сўзининг келишини талаб этади (қандай идиш деган сўроққа жавоб беради), аслида бу сўз нутқда қўлланмайди. Бундан ташқари, юқорида қайд қилинганидек талиш тилида ку-компоненти (худди ўга ўхшаб) мустақил маънога эга ва нутқда кўпинча жуфт сўз сифатида қўлланади. Масалан, *Бандэ + ку < Банд «тоғ» — ку (қиёс қилинг: дағ «тепа», тожик ку «тепа») — «тепа»*. Шундай қилиб, «тоғ» маъносидаги *дағ//тағ* сўзи туркий бўлиб, худди шу маънони билдирадиган *ку* сўзи эса эроний тилларга мансубдир. *Куди* термини халаж тилида ҳам бор бўлиб, эроний тиллардаги маънода қўлланилади.

Муған шаҳрининг номи ҳам келиб чиқишига кўра жуда қизиқдир. *Муған* сўзи икки қисмдан иборат: *муғ + ан*. Булардан *муғ* компоненти уруғ номи бўлиб, *ан* эса «мамлакат», «вилоят» маъносини билдиради. Бу фикр бўйича муған сўзи «муғлар мамлакати» тушунчасини билдиради. Бироқ ана шу территорияда тарихан ҳозирги муғанларнинг авлодлари бўлган муғлар (ёки маглар//микилар) яшаганларми, йўқми, бу масала номаълум. К. Алиевнинг ёзишича, магларнинг ерлари Атропатенада бўлган. Бироқ ўша Атропатена бугунги Муғанмикин? Бунга К. Алиевнинг ўзи ҳам ишонқирамайди. Қадимги грек олимлари (эрамизгача VI—V асрлар) томонидан мики уруғлари Аракса бўйларида яшаган деган фикр айтилганки, Р. М. Юзбошев ва Н. Г. Мамедовларнинг фикрича уларга ҳам ишониб бўлмайди, чунки бу фикр Мидиянинг марказий қисмида худди шу номдаги бошқа дарё бўлган деган иккинчи бир фикрни исбот қилолмайди. Бу ўринда қуйидаги моментларни ҳисобга олиш керак: биринчидан, *мики* этноними ойконим сифатида то шу кунгача Астарин районида учрайди; иккинчидан, Аракс дарёсининг ирмоғи Каспийнинг жанубий қисмида бўлган. Бу факт ўша пайтларда оролнинг бўлганлигига гувоҳлик беради (қиёс қилинг: Сарыадасы ҳозирги Ильич номли порт); учинчидан, Астраханбозор (ҳозирги Жалолобод) ва Масалли чўлларини илгари ҳам, ҳозирда ҳам Муған чўллари деб аташади. Шунингдек, Муғанни мики этноними билан айнан, бир хил дейиш мумкин эмас. Бу топонимнинг маъносини қадимги форс ва арман тилларидан қидирмоқ керак. (Қиёс қилинг: арман тилида: *микидж//микич* «оз», «кичик», «паст»; курд-халаж тилида: *икэми* «оз», «кички»



на», «паст»; форс тилида *кэм* «оз», талиш тилида *икэ* «оз» ва бошқалар).

Эрон тиллари ва диалектларини қиёсий-тарихий планда ўрганиш иши ҳозиргача муҳим актуал масала бўлиб қолмоқда. Тожик тили шевалари бир қадар мукамалроқ планда ўрганилган экан, бунда кўпроқ диққат помир тиллари ва диалектларини ўрганишга қаратилган. Бироқ ҳали ғарбий Эрон тиллари ва диалектлари, масалан, каспий группа тиллар (талиш, тат тиллари, лахидж диалекти, халаж тили ва бошқалар)нинг уларга бўлган ўзаро муносабатлари масаласи ҳали етарлича ўрганилмаган. Эроншунослар ўртасида Б. В. Миллернинг талиш ва бошқа айрим эрон тилларини тадқиқ этишга бағишланган иши бирмунча обрў-эътиборга сазовор бўлса-да, бироқ ҳали талиш ва унга қариндош бўлган бошқа айрим эроний тиллар қиёсий-тарихий планда деярли ўрганилмаган.

Маҳаллий шароит ва ишлаб чиқариш, ҳунармандчиликнинг соҳаларига қараб талишлар қуйидаги гуруппаларга бўлинадилар: 1) текисликда яшовчи талишлар. Булар асосан шоличилик билан шуғулланади. Булар ўзларини толош «талыш» дейдилар; 2) тоғда яшовчилар. Булар чорвачилик билан машғулдирлар. Талишларнинг бу гуруппасини голош «галыш» деб аташади; 3) энг баланд тоғларда яшаб, асаларичилик билан шуғулланувчи — «гыјаж» («горец») тоғликлар. Шуниси қизиқки, кейинги икки группа вакиллари, яъни голошлар ва гыјажлар текисликда яшовчиларни толош деб аташади. Улар (*голош* ва *гыјаж*) бир-бирлари билан учрашиб қолганларида, шундай савол-жавобни эшитиш мумкин: бэје шедэш? «Қаёққа борялсан?» Бу саволга голошлар ёки гыјажлар қуйидагича жавоб берадилар: «бэ толош» — «толошлар томонга».

IV—V асрлардаги грек авторлари асарларида Аракса бўйларида яшайдиган таль уруғи тилга олинади. *Талл//тел//теле* уруғининг яшаган жойлари Озарбайжоннинг қадимги ва ўрта аср топонимикасида ҳам ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам бу этнос билан боғлиқ бўлган бир қатор географик номларнинг Озарбайжон территориясида учраб туриши тасодифий ҳол эмас. Масалан, Талиш (Агсу, Губа, Исмайли, Мардакерт, Сабирабад, Шамхор районларида); Талы қишлоғи (Закал районуида). Бу кейинги топоним таркибидаги **лы** си-

фат қўшимчаси бўлиб, *Баяндур* > *Баяндурлу*; *Саат* > *Саатлы*; *Тат* > *Татлы* тарзида этник жиҳатдан қарашлиликни билдиради. М. В. Велиев шундай деб ёзади: Биз шу тарихий фактни яхши биламизки, Каспий дарвозаси, яъни Озарбайжоннинг шимолий денгиз бўйи полосасига татлар кўчиб келиб ўрнашганлар ва улар талишлар билан ўзаро алоқага киришганлар. Бироқ бу алоқа ҳамда яқин қўшничилик муносабатлари туркий уруғлар томонидан бузилган. Туркий уруғлар бу икки қардош халқни бир-бирларидан узоқлашишга, чиқиб бўлмас баланд тоғларга кўчиб кетишига, ёхуд доимий равишда туркийлаша боришга мажбур қилганлар. Бунинг натижасида Озарбайжоннинг бошқа ерларида оролча-оролча шаклда яшаётган татлар, талишлар ҳам аста-секин туркийлашиш жараёнига тортилган. Булар Қавказ ва Ганжа уездларида яшаган татлар ҳамда Джебват, Шемахи, Джебваншир уездларидаги талишлар эдилар<sup>26</sup>.

Талиш этноними Эрон Озарбайжонида ҳам учрайди: талеш طوالش кўплик формаси төвалеш تالش Та-лиш эроний тилда сўзлашувчи халқнинг номи бўлиб, булар Эрон Озарбайжонида яшайди. Масалан: талеш хинди, мелекталеш, талиш тоғлари: талиш вилояти, Талешдулаб, Шехрест тевалеш, Колеш талеман, Талешме-халле, Талешмехаллефетук, Талешмехаллемарку ва бошқалар. Шундай маълумотлар ҳам борки, уларга қараганда эроний тилда сўзлашувчи кадусларни кейинги даврларда аслида туркийча бўлган *талыш* < *таль* этноними билан аташганлар (демак, ўзи эроний халқ, номи эса туркий сўз).

Қадимги туркий ёзув ёдномаларидан руник ёзувлари обидаларида толис сўзи ҳам топилган. Толес сўзини аввал В. Радлов «телес» деб ўқиган. Кейин бу сўзни хитой тарихий манбаларида (эрамизнинг биринчи минг йиллигида учрайдиган телес сўзи билан бир хил дейишадиган бўлдилар. Бу сўз Рашидиддин асарларида Туалес ва Тулас тарзидаги ном сифатида учрайди. Н. О. Катанов эса, телес, телеслар туркий уруғнинг номи бўлиб, Чулишман дарёси бўйларида яшаганлар, деган маълумотни беради ҳамда уруғ номига асос бўлган бу сўз охиридаги с элементининг кўплик қўшимчаси

<sup>26</sup> Қаранг: Велиев М. В. Азербайджан. Баку, 1921, с. 46.

эканлигини алоҳида таъкидлайди. В. В. Бартольднинг ёзишича, Гилянлардан шимолда, Персия ва Ленкоран уездида талиш деб аталадиган уруғлар яшайди. Булар аслида гилянларга қариндошдирлар, бироқ буларнинг номлари ўрта асрларда учрамайди.

*Тылыш//толош//телес* номи, юқорида кўрсатилганидек, келиб чиқишига кўра турк-олтойча этноним бўлиб, арабчада *тавалыш//тайласан* тарзида нотўғри ёзилган ва ўқилган. Бироқ баъзи мутахассислар бу сўзни аслида эрон тилларига хос ҳисоблаб, уни *тул+ыш* тарзида икки қисмга ажратганлар: *тул* — «лой», «балчиқ», *-ыш* — сўз ясовчи қўшимча<sup>27</sup>. Бундай изоҳ ва талқин илмий жиҳатдан тамомила нотўғридир. Чунки, юқорида ҳам айрим олимлар томонидан тўғри қайд этилганидек, бу сўз эрон тилларига ўтиб, ўзлашган туркий сўздир (унинг тожик тилидаги маъноси: пастлик, жарлик демакдир). Бу ўринда озарбайжон халқининг шаклланиши билан боғлиқ равишда айтилган бир фикрни эслаб ўтиш ўринлидир. Бу тўғрида А. П. Новосельцев ва бошқалар шундай ёздилар: арманлар ва озарбайжонларнинг кўнчилик қисми маҳаллий ерли халқнинг авлодларидирлар. Бироқ ҳозирги озарбайжон ва арманларнинг аجدодлари бўлган ана шу маҳаллий халқлар бир вақтлар ўзларининг тилларини йўқотганлар ҳамда ўзларидан кейин улар яшаётган территорияга келиб ўрнашган этник тил бирлашмасига қўшилганлар. Шунинг учун қадимги ғузлар туркман, турк-осман, озарбайжонларнинг ҳам тил ва этник асоси бўйича аجدодлари бўлиб, улар Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаганлар<sup>28</sup>.

Қадимги грек авторларининг маълумотларига асосланиб, Озарбайжоннинг тарихий картасига ва Каспийнинг ҳозирги жойлашишига бир назар ташласак, озарбайжон халқининг ташкил топиш даврини аниқлаш мумкин. Бу давр эрамизнинг III асрига тўғри келади. Бу вақтда бу ерларда хазарлар, булғорлар, гаргарлардан ташқари, маҳаллий аборигенлар бўлган. Таллар, сабирлар, уни//гуннилар ва бошқа уруғлар (халқлар) ҳам яшардиларки, булар фақат тил жиҳатидан эмас, балки қонига кўра ғузлар эдилар. Негадир А. П. Ново-

<sup>27</sup> Т а л и ш л и Қ. М. Ленкоран шеvasида топонимик адлар. Журн. «Элми хәбәрләр». Баку, 1966, № 6, с. 61.

<sup>28</sup> Қаранг: Новосельцев А. П. Пути развития феодализма. М., 1972, с. 33—35.

сельцев ва бошқалар туркий тил озарбайжон халқининг ташкил топиши тахминан XV асрга тўғри келади деб ёзадилар. А. Аристов ёзганидек бу ўринда шуни эсдан чиқармаслик лозимки, гуннилари III—IV асрлардаёқ Европани истило қилган эдилар. Ҳатто, И. Шопен ҳам чоғларнинг аجدодлари орасида ҳозирги талишларнинг бўлганлигини қайд этади. У каспийлар ва чоғларнинг келиб чиқишлари гуннилардан бошланади дейди<sup>29</sup>. Варашил Гукасяннинг қайд қилишича, қадимги ва ўрта аср манбаларининг маълумотларига кўра эроний тилли скифлар (буларнинг келиб чиқиши масаласи шу пайтгача номаълум), сарматлар, аланлар ва бошқалар эра-миздан аввалги VII асрда Озарбайжонга бостириб кирганлар. Лекин бу тарихий воқеа Озарбайжоннинг этногенетик картасига бирон бир ўзгариш кирита олмади. Шунинг учун ҳам А. А. Ализода туркий тил уруғлар Озарбайжонни эгаллаганларида ўзларига қардош бўлган, ўтроқ ва кўчманчи ҳолда ҳаёт кечираётган уруғлар, қавмлар билан учрашдилар. Бир неча асрлар давомида келгинди ва маҳаллий туркий уруғлар бир-бирлари билан аралашиб кетдилар. Шу муносабат билан академик В. В. Бартольднинг Ўрхун ёзувларида ҳам учраган *теле-лес//толис* сўзини В. Томсон ва бошқа олимлар *теле* номи билан боғлаш керак эмас, балки Хитой солномаларида учраган *тули* этноними билан боғлаш керак, чунки бу этник ном Монголия ерларида кўчиб юрган уруғ бўлинмаларидан бирининг номи деган қимматли фикрини эсламасдан ўтиш мумкин эмас, албатта. Академик В. Бартольднинг бу фикрини ўз вақтида П. Мелиоранский ва Г. Е. Грум-Гржимайдолар ҳам қўллаб-қувватлашган эди<sup>30</sup>. Бироқ, К. Иностранцевнинг ёзишича, ҳозирги Монголиянинг ҳамма ерини VI асрда турклар эгаллаган эдилар. Сон жиҳатдан мўғуллар турклардан оз бўлганлар<sup>31</sup>. Л. П. Потапов қадимги кўчманчи теле уруғи этногенетик жиҳатдан темутлар, теленгитлар, телеслар билан солиштирилса, ҳар томонлама тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлур эди, чунки ҳозирги Мўғулистон, Тува ва тоғли Олтой территорияларини биргаликда

<sup>29</sup> Қаранг: Велиев М. В. Азербайджан. Баку, 1921, с. 21.

<sup>30</sup> Қаранг: Потапов А. П. Этнический состав и происхождение алтайцев. Л., 1969. с. 165.

<sup>31</sup> Қаранг: Иностранцев К. Хунну и Гунну. «Труды тюркологического семинария I». Л., 1926, с. 92.

ўша теле уруғи кўчиб юрган қадимги зона ичига олар эди, деганида тамомила ҳақли эди.

*Тал* > *талас* сўзи турли системага кирадиган бир неча тиллар учун умумий сўз эканлиги маълум бўлди. Мисолларни қиёс қилинг: туркий тиллардан—ўрта турк ва уйғур тилида: *tal* „ёш дарахт“, „дарахт шохи“, „новда“; *dal* „шох“ (бошқа диалектларда *tal*) „тол“ „мажнун тол“. (В. Радлов. III. 875—*Räsänen versuch* 457); рус тилида „тал“, „мажнун тол“; чехословак тилида *tal* „тол дарахти“, „қайин“, лак. *ttala* „ёғоч“, „ходда“, лезгин тилида *t'val* „новда“; с'велин *t'val* „тол новдаси“; табас. агул. *t'ul* „навда“; индоевропа тилларига хос товуш мосликларидан: қадимги ҳинд тилида *tā-las* „пальма“ дарахтининг бир тури; *talī* „дарахт номи“; эски славян тилида *talij ramus virens* (Вс. Миллер, Асарлар, 29); сак тилида *ttila* „дарахт“; паҳлавий тилида *tala-*, *tala*; арман тилида *talanaḡ* „чодир“ (қиёс қилинг: озарбайжон тилида *талвар* „уй“, „ёғоч уй“; төвлә „молхона“, „сигирхона“; талиш тилида төвлә „оғил“, „молхона“); форс тилида *talag 'hall'*; тожик тилида *tālāg* устунли қилиб қурилган „ёғоч иморат“; қадимги ҳинд тилида *talas*, *talī* ёғоч номи, латин тилида *talea* „навда“, „хивич“, лит. *talokas* „ўсган“, „катта бўлган“

Юқорида санаб кўрсатилганлар қаторига биз яна Таллин шаҳрини ва талиш этнонимини қўшишимиз мумкин. Е. Қўйчибоевнинг ёзишича *тал* «тепалик», «баландлик» демакдир.

*Тал*, *тол* терминлари ва уларнинг вариантлари бўлган *тал*, *талил* топонимлари олимларнинг таъкидлашларига қараганда, келиб чиқишига кўра индоевропача сўзлар бўлиб, «дўнглик», «тепалик», «баландлик» каби маъноларни билдиради ва улар туркий тиллардаги *баш*, *тобе* сўзларига мос келади.

Адабий манбаларда *талас* топоними қадимги Тароз шаҳри ва унинг номи билан айнандир дейилади. Араб ёзувчилари Талас мусулмон дунёсининг X—XI асрлардаги чегара пунктидир, деган маълумотни айтганлар.

Турли системага тааллуқли бўлган баъзи (чунончи, ёқут, тува, хакас, ўзбек, тожик, афғон каби) тилларда бу термин турли-туман маъноларни англатади. Масалан, «жарлик», «тепалик», «кўл», «сув», «денгиз», «ирмоқ», «текислик», «текис жой», «ботқоқ», «бирон нарса

(чуқурлик)нинг таги», «чуқурлик», «эниш», «чўкинди» ва бошқалар<sup>32</sup>.

Шуни қайд қилиш керакки, халажларнинг тарихий ўтмишлари тўғрисида ҳеч нарса маълум эмас. Тўғри, кейинги пайтларда ўз ёзувига эга бўлган ва бўлмаган туркий ва эроний тиллар ҳамда уларнинг диалектларини ўрганиш бўйича туркологлар ва эроншунослар томонидан анчагина ишлар қилинган бўлишига қарамай, талиш тилида сўзлашувчи халажларнинг (Озарбайжон ССРнинг Астари районидаги Шахагадж қишлоғи) тилига шу пайтгача туркологлар ҳам, эроншунослар ҳам жиддийроқ муносабатда бўлганлари йўқ. Шунингдек, туркологлар ва эроншуносларнинг бизга маълум бўлган эътиборли асарларида ҳам эроний тилда сўзлашувчи халажлар тили эслаб ўтилмайди. Ҳолбуки, бу халқнинг тили эроний тилларни тарихий-қиёсий ўрганиш ишида жуда бой фактик материал бериши билан бирга, бошқа аспектлар бўйича ҳам катта аҳамиятга эгадир. Биринчи навбатда, этник термин сифатида «Халаж» қишлоғининг номи ва уларнинг тили диққатга сазовордир. Бу масала бўйича илмий адабиётларда турлича қарашлар мавжуд: баъзи тадқиқотчилар халажларни туркий тилда сўзлашувчи халқ десалар, бошқа бирлари эроний тилда сўзлашадиган халқ дейдилар. Шунингдек, халаж этнонимининг этимологияси хусусида ҳам турлича фикрлар айтилган. Жуда кўпчилик тарихчи ва тилшунос олимларнинг фикрича халажлар аслида ҳам туркий тилда сўзлашувчи халқ бўлиб, асосан Афғонистон, Ҳиндистон ва Хуросонда яшаганлар. Яна уларнинг айтишларича, халажлар энг аввал Ироқнинг форслар (эронлар) яшайдиган районида (Қум, Султонобод) жойлашиб олишган. Бу ерларни Халажистон дейилган. Бу райондаги кўпчилик қишлоқларда туркий тилда сўзлашувчи халажлар ва баётлар яшайди. Бундай фикрни билдирган олимлар аввало *халж* терминининг халқ этимологияси бўйича англатган маъносига ишонадилар. Бу этимологияга кўра *халаж* аслида *қол + оч* сўзларидан бўлиб, «оч қол» деган маънони билдиради.

«Ислом энциклопедияси»да ҳам халажлар асли келиб чиқишларига кўра туркий халқ, халаж эса қадимги туркий номдир дейилган. X асрдан бошлаб бу уруф но-

<sup>32</sup> Қаранг: Молина Э. М. Очерки... ч. I, с. 74—75.

мини тушунтириш юзасидан мусулмон манбаларида уч-райдиган янглишлик ва қийинчилик шундан иборатки, кўпчилик ҳолларда эски араб алфавити билан бу сўз нуқтасиз *حاج* тарзида ёзилиб келади. Бу ҳолда у бошқа бир қадимги туркий уруғ номи бўлмиш *حاج* сўзи билан бир хил бўлиб қолади. Бу сўзлар иккита йирик туркий уруғнинг номи бўлиб, манбаларда баъзан диакритик белгилар билан *حلخ، خلخ، خاخ* формаларида ёзилиб келинганки, то шу пайтгача тарихий, географик факт ва маълумотлар асосида бунга аниқлик киритилмаганлиги учун бу масала очик қолмоқда<sup>33</sup>.

Сепекр 1832—1833 йиллар воқеаларини баён қилиб, шундай ёзади: қадимда халажлар Суриядан Ироқнинг эронлар яшайдиган ерларига келишган, шундан сўнг, бир қисми бўлиниб, форслар томонга кетишган. Уларнинг қолган қисми эса качкан (қочганлар) деган номни олган ва бу ном кашкан тарзида талаффуз қилина бошлаган<sup>34</sup>.

Халаж терминининг этимологияси тўғрисида Маҳмуд Кошғарий машҳур «Девони луғотит турк» асарида ўғузларни нега туркманлар деб аташган деган масалани тушунтириб, қуйидагиларни ёзади: Искандарнинг (Александр Македонский) истилочилик юришлари даврида турк хоқони ва турклар улар билан урушиб, аста-секин шарқ томонга қараб чекинадилар. Шунда турк хоқонлигига қарайдиган кишилар ҳам уларнинг кетидан эргашадилар. Бироқ от-улови бўлмаганлигидан йигирма икки киши ўз оиласи билан қолади. Буларга яна икки оила келиб қўшилади: йигирма тўрт оила маслаҳат қилишади. Ниҳоят булардан бир группаси Искандар армияси билан кетишга аҳд қилади. Икки оила эса қолади. Искандар армияси билан кетишга қарор қилганлар қолган бу икки оилага *қал+адж* (оч+қол) деб айтадилар. Шундан келиб чиқиб, бу икки оиланинг кейинги авлодларини *галадж//каладжлар* деб аташган эмиш. Сўнгра Искандар келиб ўша қолган икки оиланинг ҳайвонларида туркий тамғаларни кўради ва форс тилида *торк манед* («туркларга ўхшайди») дейди. Туркманлар-

<sup>33</sup> Қаранг: Ислон энциклопедияси, 5-жилд, Истанбул... 1950, 110-бет.

<sup>34</sup> Қаранг: Иванов М. С. Племена фарса-кашкайские, хамсе. мамасони. М., 1961, с. 34.

нинг номлари ана шундан қолган эмиш. Бундан ташқари, Маҳмуд Кошғарий шу асарида туркман ўғузлари йигирма тўрт уруғни ташкил қилади, бироқ туркларга ўхшаган иккита халаж уруғи буларга кирмайди, деб ёзади<sup>35</sup>.

Машҳур энциклопедист олим Маҳмуд Кошғарий туркий-ўғуз уруғларининг сони ва жойлашиши тўғрисида қимматли маълумотлар бериши билан бирга, халажлар ва уларнинг уруғ бўлинишларини ажратиб кўрсатади.

Абдулхай Ҳабиби деган тадқиқотчи ҳам ўзининг бир асарида халажлар Ғазна билан Гур шаҳрининг, умуман иссиқ вилоятларнинг халқидир деган маълумотни келтиргани ҳолда халажларнинг туркларга бўлган муносабатлари ҳақида ҳеч нарса демай, туркларни турк, халажларни эса халаж деб атаб қўя қолади.

Абдулхай Ҳабиби халажлар туркий тилли халқ эмас, балки эроний (пушту) халқдир, деган хулосага келади. Пушту тилида *халәчи*//*ғаләчи*//ғаләзи сўзи «тоғ ўғли», «тоғда туғилган» деган маънони билдиради (қиёс қилинг: Пушту тилида *ғар* «тоғ», *зи* «туғилиш» демакдир). Абдулхай Ҳабиби қайд қилишича, қадимги бир ҳужжатда пушту (афғон) тили «халаджня» деб аталади, гўё халажлар ўша афғонларнинг ўзлари эмиш.

Бизнинг фикримизча ҳам бу гапларда бир оз ҳақиқат борга ўхшайди. Чунки халажлар ҳам аслида эроний тилда сўзлашувчи халқ бўлганликларидан, уларнинг афғон тилини билиб олишлари жуда осон. Шунга қарамай, Ленкоран пасттекислигидаги халажлар *vc* тилда — ўз она тилида, талиш ва озарбайжон тилларида сўзлашувчи халқ бўлса-да, эроний тил талишларнинг орасида яшашларига қарамай, бари бир уларнинг тили Суранининг курд диалектига яқин туради. Буни биз тўплаган жуда бой тил фактлари ва материаллари ҳам тасдиқлайди.

Л. Ельмелевнинг қизиқ бир формулировкаси бор: қардош тиллар оиласи доирасида ёки ўша оиланинг ичида ҳар хил типга тегишли бўлган тиллар бўлиши мумкин, бир типдаги тилларнинг доирасида эса ҳар хил оиллага мансуб бўлган тиллар бўлиши мумкин. Шунинг-

---

<sup>35</sup> Қаранг: «Девон»нинг Анқара Босим Аталай нусхаси, 1-том, 307-бет; 3-том, 55-бет.



дек, В. Минорскийнинг «Туркий халаж диалекти ҳақида» деган асари ҳам диққатга сазовор. Бу асар муносабати билан шарқшунос олим Г. Дерфер шундай дейди: ўзининг фавқулודда қизиқ хусусиятлари билан кўзга ташланиб турадиган халаж тилини В. Минорский диалект деб атади. Бу тушунарли, чунки у эроншунос эди. Бироқ В. Минорский ўз асарининг сноскасида Персияга борган пайтида ўзи йиққан материаллардан бир неча сўзни келтирадики, бу сўзлар ўз хусусиятларига кўра эрон тилида сўзлашувчи халажларнинг сўзларига ўхшайди ва ҳатто улар билан бир хил.

Булардан ташқари, Уғузхон ҳақидаги афсонада ҳам *калач*//*халач* сўзи тўғрисида иккита туркий халқ этимологияси келтирилади. Бу шундай: *кал—ач* «оч қол» ва *қал—ач* «қол», «оч» (алоҳида-алоҳида икки сўз). Булар «Рашид-ид-дин» (текст таржимасини В. Радлов қилган) ва «Қутадғу билик» асарларида келтирилган. Халажлар ҳеч қачон ўзларича алоҳида ва мустақил бир сиёсий бирлик сифатида эсланмайди. Балки ёлланган аскарлар ёки бегона ҳукмдорларнинг аскарлари сифатида тилга олинади. Буларнинг йўлбошчилари ҳам, бошқа туркий гвардияларнинг бошлиқларига ўхшаб, баъзан мустақил династияни барпо қилиш имконига эга бўлганлар, масалан, Ҳиндистонда шундай бўлган. Бу ерда уларнинг номларини халаж деб эмас, балки хилжилар тарзида талаффуз қилишган<sup>36</sup>.

Эвлия Челеби XVII асрнинг ўрталарида Табризга қилган сафаридан сўнг ёзган «Саёҳатнома»сида Табризда овшарлар, думдумлар, домиомлар, халажлар, тарокамема каби уруғларнинг яшаётганлигини қайд қилиб ўтади.

Озарбайжон адабиётида Озарбайжон территориясидаги халажлар биринчи марта таниқли Озарбайжон ёзувчиси ва тарихчи олими Аббосқули Ага Бакихановнинг «Гулистане Ирам» номли китобида тилга олинади. Бу асарда халажлар тўғрисида шундай дейилади: Шеки, Ширвон, Қарақуюнли вилоятларида халажлар ва бошқа уруғлар учрайди. Булар ҳам Эрон ва Рум мамлакатларидаги тарокама ва бошқа туркий элатларга ўхшаган туркий тилда сўзлашувчи уруғлардир. Бошқа бир озар-

<sup>36</sup> Қаранг: Бартольд В. Работы по исторической географии и истории. т. VII. М., 1971, с. 511.

байжонлик тарихчи олим бу этноним ҳақида гапириб, халажлар Ироқ ва Хуросонда яшаган қадимги уруғлардан биридир, дейди. Абдул Ғози Баходур халажларга тегишли бўлган қуйидаги оғзаки бир афсонани келтиради: Биринчи турк хоқонларидан бири бўлган Уғузхон Эронга юриш қилган пайтида, унинг аскарларидан бир киши юк ортадиган от-улови бўлмаганлиги ва бунинг устига хотинининг ҳомиладор эканлиги сабабли армиядан ажралиб қолади. Ана шу кишини хоқоннинг олдига олиб борганларида, хоқон ундан аскарлардан ажралиб қолганлигининг сабабини суриштириб биледи: бу фақирнинг хотини ўрил туққан; оч қолган онанинг кўкрагида сути бўлмаганидан бола ҳам қийналган. Уғузхон бу кишини яхшилаб мукофотлаб, ҳарбий хизматдан озод қилган ҳамда унинг боласини *кал+ач* («оч қолган») деб атаган. Шундай қилиб, калач ёки халаж (хлыдж, клич, хальдж) уруғининг вакиллари аслида ана шу боладан тарқалган эмиш. Нажиб Осимнинг сўзларига қараганда, *қалач* сўзи қадимги туркий ёзувда *кал—ач* тарзида алоҳида-алоҳида ёзилган экану, бироқ унинг сабаби номаълум эмиш. Ана шу тарихчи олимнинг берган яна бошқа бир маълумотига кўра, VI асрда римликлар калачларни халаж деб аташган: *xidai*, *xaldai* сўзлари (қиёс қилинг: озарбайжон тилида халдан ойконими) туркийча қилич («шашка») сўзининг таржимасидир.

Совет Озарбайжонининг Астара районидаги халажлар аслида туркий халқларданми ёки эронийларга бориб тақаладимми, бу ҳақда етарли маълумотларга эга эмасмиз. Лекин халажлардан йиғилган тил фактларининг дастлабки таҳлили ва уларни туркий тил материалари билан қиёс қилиш шунга гувоҳлик берадики, халажлар келиб чиқишларига кўра эроний халқлардан бўлиб, курд тилига яқин туради. Шунинг учун бўлса керак, баъзи курдшунос олимлар ўз асарларида халажларни курд уруғларидан деб ёзадилар. Масалан, СССР Фанлар академияси Ленинград бўлимининг архивида сақланаётган В. Ф. Диттелнинг қўлёзмасида *халаж//калаж* термини учрайди<sup>37</sup>.

Шунингдек, П. Лерхнинг Эрон курдларининг тарихи-

<sup>37</sup> Диттель В. Ф. Обзор трехгодичного путешествия по востоку. Архив ЛО АН СССР. ОП, I, с. 9.

ни ўрганишга бағишланган бир асарид<sup>38</sup> ҳам шу термин уруғ сифатида тилга олинади. Бу асарда кўрсатилишича, уч юз чодирли халаж уруғлари Мардина атрофида истиқомат қилганлар. Бу ерларда шейх, бизни, дудеки, сурхуджи, пирали, кумель, берфи, гумри, дерки ва бошқа уруғлар ҳам яшаганлар ва хеккари элатига бирлашганлар. Яна бир қизиқ фактни эслаб ўтиш ўринлики, А. Д. Жаба хаккари ва ревенди диалектларини ўрганиб, шу материаллар асосида курдча-французча луғат тузган<sup>39</sup>. Бу луғат ҳам биз юқорида айтган мулоҳазаларни тасдиқловчи бир муҳим фактдир.

Бу айтилганлардан шундай тахминий бир хулоса қилиш мумкин: Озарбайжондаги Хаккари районининг номи билан Туркиядаги Хаккари ўртасида тарихан боғланиш бор. Академик К. К. Юдахин айтганидек, бир жойда ёки бир-бирига яқин масофаларда айнан бир топонимнинг ёки умуман жой номининг такрорланиши тасодифий ҳол эмас. Бу иккала жойнинг аҳолиси ҳам курдлардан иборат. Маҳаллий кексаларнинг хабар беришларича, Ленкоран пасттекислигига халажлар Хаккаридан кўчиб келганлар. Биз ҳам ўз текширишларимиз вақтида шу нарсани аниқладикки, Озарбайжон территориясида юқоридаги фактни қувватлайдиган бирталай топонимлар учради. Лочин районида Хаккари дарёси бор, Қубайли дарёсидан унча узоқ бўлмаган жойда Хаккари станцияси ва шу номдаги қишлоқ мавжуд. Сальян районидаги Халаж қишлоғининг аҳолиси ассимиляцияга учраган ва жуда мукамал бўлмаса ҳам озарбайжон тилида сўзлашади, бироқ Жданов, Қубатли, Ильичёв районларида ҳам Халаж номли қишлоқлар бўлиб, уларнинг аҳолиси эса курдлардир.

Халажларнинг урф-одатлари ҳам жуда қизиқ. Масалан, совет ҳокимияти ўрнатилгунча, халажларда никоҳнинг анча қадимий формаларининг излари сақланиб қолган эди. Бунинг бир кўриниши қуйидагича амалга оширилган: йилда бир марта уйланмаган ёш йигитлар тепасида (шипиди) туйнуғи бор бир уйга йиғилишади. Қизлар эса яширин ҳолда томга чиқиб, бирин-кетин ўзларининг кийимларини туйнукдан ичкарига ташлайди-

<sup>38</sup> Қаранг: Лерх П. Исследования об иранских курдах и их предках халдеях. Кн. I, СПб, 1856, с. 71.

<sup>39</sup> Қаранг: Руденко М. Б. Описание курдских рукописей ленинградских собраний. М., 1961. с. 108.

лар. Йигитлар эса битта-битта ушлаб олиб, ташқарига чиқаберадилар ва кийим эгаси бўлган қизга уйланадилар. Халажларнинг яна бир одати оилада фақат ўғил болани сақлаганлар. Ҳар бир халаж ўз оиласида фақат битта қиз болани қолдириш (ўстириш, боқиш, тарбиялаш) ҳуқуқига эга бўлган<sup>40</sup>. Маҳаллий кексаларнинг ҳикоя қилишларига қараганда қадимги курдлар янги туғилган чақалоқ қиз бўлса, оилада ортиқча томоқхўр ҳисоблаб, ерга кўмганлар<sup>41</sup>. Шу муносабат билан бир фактни эслаб ўтиш лозимки, «Ҳозирги Эрон» номли китобда курд қабилалари номларининг рўйхати берилади. Шулар орасида халажлар ҳам бўлиб, келькур қабила-сининг бир уруғи деб кўрсатилади<sup>42</sup>.

Эроншунос олим В. А. Жуковский ўзининг бир аса-рида қизиқ маълумот келтиради: Султонобод яқинида жойлашган Гили қишлоғининг аҳолиси форс тилига шева аралаштириб сўзлашади. Худди шунга ўхшаш, Теҳрондан 14 фарсах (Гамадан шаҳри томонда) масофада Кошки қишлоғи жойлашган. Бу қишлоқнинг шеvasида ҳам эски форс тили элементлари жуда яхши сақланган. Аҳолиси эса, форс ва турк тилларини яхши билади ҳамда ўзларини аслида калажлармиз дейди. ...Бу қишлоқ аҳолиси аслида Урмия кўли ёнидаги Калаж қишлоғидан тарқалган. Уларнинг шеваларидан намуна тарзида қуйидаги сўзлар келтирилган: *deh* — „қишлоқ“, *herār* — „уй“, „ҳовли“, *kie* — „хона“, *berr* — „эшик“, *asp* — „от“, *arbe* — „ит“, *mirde* — „одам“ (эр киши), *zine* — „хотин киши“, *zad* — „бола“, *kennek* — „қиз бола“, *ab* — „сув“, *direkht* — „дарахт“, *senk* — „тош“, *hūzum* — „ўтин“, *agir* — „ут, олов“, *nan* — „нон“, *isal* — „бир йил“, *kitāb* — „китаб“, *balı* — „тепада“, *dsehir* — „пастда“, *beschān ajirem* — мен оламан“, *sera bibie* — „совуқ“, *germ beban* — „иссиқ қилинг“, „иситинг“, *khub bibie* — „яхши“, *atta* — „энди“, *dedshim ba'ad* — шундан кейин“, *nedira* — „ҳеч нима, ҳеч нарса йўқ“, *wergibukhta* — „мен ейман“, *buru beschānde* — „қишлоққа жўна“, *burana* — „қайтиб кел“ ва ҳоказо<sup>43</sup>.

<sup>40</sup> Қаранг: Мамедов М. А. Язык халаджей. Баку, 1973 (диссертация на соискание канд. филол. наук), с. 15.

<sup>41</sup> Алим Кешекоев. Восход луны. — Журн. «Роман-газета». 5, (867). М., 1979, с. 19.

<sup>42</sup> Современный Иран. М., 1957, с. 530—631.

<sup>43</sup> Қаранг: Жуковский В. А. Материалы для изучения персидских наречий. ч. I. СПб., 1888, с. 1.

Бу сўзлар фонетик структураси ва шу маънолари билан Озарбайжон ССРнинг Астара районидаги халажлар тилида ҳам учрайди ёки уларнинг тилида ҳам шунга ўхшаш сўзлар кўп.

Баъзи манбаларда «халаж» термини икки [л] ҳарфи билан «халлаж» тарзида ёзилади. Эҳтимол туркий тил халажларнинг бу эроний халажларга алоқаси йўқдир, балки араб ва форс тилларидаги ҳаллаж сўзи билан боғланар. Бу сўз «пахта тозаловчи», «пахта титувчи» маъносини билдиради<sup>44</sup>. Озарбайжон тилидаги халлаж сўзи худди шу маъно («пахта тозаловчи», «жун титувчи», «тозаловчи») ни ифодалайди.

Эҳтимол, 921 йилда Бағдодда вафот этган машҳур олим Ал-Халлаж («жун титувчи») шу этник группанинг вакилидир<sup>45</sup>.

Эроний тил халажларнинг номларига келсак, биз қуйидаги факт ва мулоҳазаларни ҳисобга оламиз: Совет Озарбайжонидаги ва Эрондаги халажлар ўзларини халаж деб, она тилларини эса «зовани халаж» («халаж тили») деб атайдилар. Бу этнонимнинг этимологиясини О. Вильчевский тўғри талқин қилиб, «Халаж» — бу курдларнинг ёзма (ёзув ёдгорликларида қайд қилинган) номларидан биридир, деган фикрни билдиради. О. Вильчевскийнинг ёзишича бу масалалар ҳали жуда аниқ эмас, чунки ҳозирги пайтда биз «курдлар» деб атаган халқнинг тарихи, этник состави ва қандай социал-иқтисодий шароитда ташкил топгани каби масалалар тўлиқ ҳал этилмаган<sup>46</sup>. Халажларнинг одатлари ва эътиқодларида, худди Ироқ, Эрон ва Туркиядаги кўпгина курдларга ўхшаб, мусулмончилик давригача ҳукмрон бўлган бошқа динлар ва эътиқодларнинг, масалан, зардуштийлик, анимистик ва астрал каби диний эътиқодларнинг излари сақланиб қолган. Халажларда олов, қуёш, ой, туз, нон муқаддас саналади. Буларга ҳам, худди курдларга ўхшаб, исломнинг таъсири жуда бўш ва заиф бўлган. Мадрасаларда ислом динидан махсус таълим олган баъзи таниқли кишилардан ташқари, халажлар ислом расм-русмлари ва маросимларига унча амал қилмайдилар.

<sup>44</sup> Миллер Б. В. Персидско-русский словарь. М., 1960, с. 180.

<sup>45</sup> Адам Мец. Мусульманский ренесанс. М., 1966, с. 243.

<sup>46</sup> Қаранг: Иранские языки. М.—Л., 1945, с. 16—18.

**Алашо.** Бу ойконим атрофида туркий уруғ-аймоқлар илгаридан яшаган ва ҳозиргача яшаб келади (масалан, унлар ёки үнүзлар ва қипчоқлар). Булар ўзларига чега-радош районларда чорвачилик билан шуғулланганлар. Тарихдан маълумки, XII аср давомида Озарбайжонга туркий-мўғулий кўчманчилар кела бошладилар. Несевининг берган маълумотига қараганда Жалолиддиннинг ҳукмронлик даврида Дарбандга 50 минг хўжаликдан иборат қипчоқлар келиб жойлашган, деб ўйлаш мумкин. Шуларнинг бир қисми Озарбайжонда ҳам ўрнашиб қолган Элхан Аргун (1282—1291 йиллар) даврида шимол томондан Озарбайжонга туркий уруғлардан 300 хўжалик келиб жойлашди. XIII-асрда эса мўғуллар ўзлари билан бир қанча уруғ-қабилаларни олиб келдиларки, буларнинг номлари маҳаллий жой номларига айланиб қолди. Масалан, татар маҳалла, турк оба, шингла дулон, Дисанга муран ва бошқалар. Озарбайжонда ўзларининг мавқеларини мустаҳкамлаш учун мўғул хонлари Урта Осиёдан бу ерга туркий халқлардан 200 минг кишини кўчириб келтирган. Булар кождар, афшар, падар, чобан, халойир уруғларига мансуб туркий халқлар бўлган. Бу халқларни асосан Озарбайжоннинг жанубий районларига, шунингдек, Ганжи, Ширвон областларига, Муған ерларига жойлаштирганлар. Ҳозиргача бу районларда шу уруғларнинг номлари билан аталган қишлоқлар сақланган<sup>47</sup>.

Айрим авторлар биров шубҳалироқ бўлса-да, *алош* (аласа, лоша) сўзини фин-угор тилларида ҳамда фонетик жиҳатдан сал ўзгарган ҳолда рус тилида ҳам учрайди деб ҳисоблайдилар. Улар ҳам бу сўзни аслида туркча деб кўрсатадилар, бироқ мазкур сўзнинг русча ва туркий вариантларининг ўртасидаги тафовут ва ўзгачалик бундай хулосага келишга монелик қиладиганга ўхшайди. Қадимги туркий тилда сўз бошида [л] товуши учрамайди. Агар ҳақиқатан бу сўз келиб чиқишига кўра туркий бўлса, у ҳолда шу кўриниш бошқа тилларга ҳам ўтиши, ўзлашиши мумкин, чунки бу сўз рус тилида пайдо бўлган даврда, рус тилида «а» билан бошланадиган анчагина ўзлашган чет сўзлар бор эди<sup>48</sup>.

<sup>47</sup> История Азербайджана. Баку. 1958, с. 190—191.

<sup>48</sup> Қаранг: Историческое развитие лексики тюркских языков. М., 1961. с. 37.

Рус тилининг қисқа этимологик луғатида<sup>49</sup> «лошадь» сўзи қадимги рус *-адъ* < *-ьдъ* суффикси ёрдамида ясалган бўлиб, асли туркий «лоша» сўзидандир, деб изоҳ берилади. Мисолларни қиёс қилинг: қадимги рус тилида: *осьльдъ* — «ёввойи эшак», қадимги туркий *алаша* — «от». Шунингдек, *лоша* сўзи украин тилида ҳам сақланган: *лоша* — жеребёнов» («тойча»), поляк тилида *losza* — «урғочи от». Булардан ташқари, *лошадь* сўзининг «алоша» формаси рус тилига ўтиб, ўзлашганлиги тўғрисида яна архив материаллари ҳам бор (сўз бошидаги «а» товуши кейинроқ тушиб қолган. *Лафа*, *лачуга* сўзларининг бошидаги «а» товуши ҳам тушиб қолган). Масалан, 1889 йилда юрди уруғидан бўлган Топал-Нуфатбекнинг шахсевоқлар отряди жуда кўп юк ортиб келаётган катта карвонга ҳужум қилади. Бекнинг буйруғига биноан ўлжа олинган молларни чуқурга (жарликка) қулатиб алашлар ва бошқа юк ҳайвонларини ҳайдаб юборадилар, деган архив маълумоти бор.

Хуллас, юқорида келтирилган фактлар ва ёрдамчи маълумотлар алаша ойконими аслида туркий сўздан ташкил топганлигини исботлашга хизмат қилади. Бу сўзни бошқача изоҳлашга бағишланган фикр-мулоҳазалар ва илмий ишлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Г. Ф. Одинцевнинг қайд этишича, русча *лошадь*—*конь* «от» билан чуваш тилидаги *лоша* — «ут» бир-бирига мос келади. Хусусан, чуваш тилидаги *лоша* «байтал» маъносига яқин бўлса, *ут* — «от» («конь») яъни эркак от демакдир. Қўйидаги қўшма сўзни қиёс қилинг: *йуланут* (шевада *йоланут*) «эгарланган от», бироқ *йоланлаша* (Ю. Г. Серебряков) деб бўлмайди. Чуваш фольклорида (қўшиқ, топишмоқларида) «лоша» сўзи худди рус тилидаги «лошадь» маъносида қўлланади.

Рус тилидаги *лошадь* сўзи женский родда бўлиб, унинг урғуси биринчи бўғиндадир, чунки рус тилидаги *-адъ* суффикси ҳамиша урғусиз бўлиб, бу суффикс орқали ясалган ҳамма отлар эса женский родда бўлади. Бироқ туркий *лаша*, *алаша* сўзларида эса урғу охирги бўғинда бўлади.

Шундай қилиб, қадимги рус тилига хос бўлган *лошадь* сўзи, кейинги даврларда сифат туркумига оид

<sup>49</sup> Қаранг: Шанский Н. М. Краткий этимологический словарь русского языка. М., 1975, с. 247.

*лоша, лаша* сўзлари замирида рус тилининг ўз хусусиятлари асосида шаклланган. Эҳтимол, *лаша* тюркизмнинг бу хилда қайта маъно касб этиши ўша пайтда шимолда кенг тарқалган ва *лоша* сўзига омоним бўлган *лоший* сифатининг мавжудлиги билан боғлиқдир. Қуйидаги мисолларни қиёс қилинг: рус тилининг кострома диалектида *лоший* — «ёмон», «аҳмоқ»; рус-червок-славян тилида *лошь* — «орзон», «ёмон»; булғор адабий тилида *лошь* — «аҳмоқ», «ёмон», славянча *lošen* — «ёмон» ва талиш тилида *лош* — «орық», «ўлакса» (Яна қиёс қилинг). Талиш тилида: *лоша, мол* — «ориқ», «ўлакса ҳайвон». *мо э лош* — «ўлик балиқ».

Бизнинг тахминимизча Алаша ойконими келиб чиқишига кўра туркий сўз эмас ва у «от» маъносигадаги алаша сўзи билан ҳам айнан эмасдир. Бу сўзлар ўртасида тасодифий ўхшашлик бор, холос. Талиш тилида *а* > эв — кўрсатиш олмошидир; *-ло* элементи эса «бирор нарсанинг бўлагига», «қисми» деган маънони беради. Шовшо «сўқмоқ», «тор йўлча», «ер» деган маъноларни ифодалайди. Ҳақиқатан ҳам Алаша ойконимининг географик жойлашиши ана шу айтилганларга мос келади.

**Үнүз.** Мутахассислар тўғри қайд этганларидек үнүзлар (гуннилар) Шинданнинг жанубий-ғарбий биқинида жойлашган бўлиб, талишлар орасида яшайдилар, бироқ Астара районидаги қипчоқларга ўхшаб, фақат озарбайжон тилида сўзлашадилар. IV—VI асрларда Дарбанд дарвозаси орқали Озарбайжонга Шимолий Кавказдаги кўчманчи туркий тил уруғларнинг кириб келиши кучаяди. Бу уруғлар аста-секин Озарбайжоннинг серҳосил ерларини эгаллай бошлайдилар. Озарбайжонда Ленкоран пасттекислигининг жануби энг серҳосил ерлар ҳисобланади. Бу ерлар яйлов учун ниҳоятда қулай бўлган. Бу ҳақда Г. А. Гейбуллаев қуйидагиларни ёзади: эрамизнинг III асрларида Шимолий Кавказда кўчиб юрган кўчманчи гунни, кушак, сабир каби туркий уруғлар Дербен дарвозаси орқали Албанияга ўтдилар ва ундан сўнг Антропатенга ҳужум қилдилар. VI асрнинг охирларида гуннилар ва сабирларнинг кўпчилик қисми Ганжа районида келиб жойлашдилар. Уша даврда Кура билан Аракс ўртасидаги территория гуннилар мамлакати деб аталар эди<sup>50</sup>. Гун-

<sup>50</sup> Қаранг: Гейбуллаев Г. А. Словарь географических терминов Азербайджана. «Известия АН Азерб.ССР» Баку, 1973 № 2, с. 119.



нилар Грузия территориясида ҳам яшаганлар. Бу ҳақда бизга Хунан қалъасининг номи, Хунеби, Хундисубани, Хунучулари топонимларининг номлари ҳам гувоҳлик беради.

Озарбайжон ССРнинг Тауз районида учрайдиган Хунам архи, Хунам олу каби микротопонимлар ҳам гуннилар билан боғлиқ. VI асрнинг иккинчи ярмидаги Эрон—Византия урушида Эрон ҳам, Византия ҳам кўчманчи урувлардан одамларни сотиб олиб, урушга жалб қилишга ҳаракат қилганлар. Хусусан, Византия давлатининг шу мақсадда Озарбайжондаги аланлар ва сабирлар билан ҳарбий иттифоқ тузганлиги тарихдан маълум.

**Абдал.** Баъзи топонимист олимлар абдал, абдаллар каби топонимларга асос бўлган абдал сўзини киши номи («Абдал» атоқли от) билан боғлайдилар. Г. А. Гейбуллаев «абдал» компонентли топонимлар шу номдаги туркий тилда сўзлашувчи уруғ номи — этнонимдан пайдо бўлган, — деб тўғри талқин этади.

К. Риттер (VI аср) Шимолий Кавказда ёки бошқача ном билан айтганда «Гуннилар области»да сабир, булғар, авар, эфталит уруғлари билан бирга абдал уруғининг ҳам яшаганлигини айтган. В. В. Бартольд эса абдал уруғини гунниларга киритади. Бундан ташқари, Шимолий Кавказда Абдал тоғи ҳам бўлган. Шунингдек, Тибилис губерниясига қарашли Борчали уездининг иккита қишлоғини ҳам Абдаллы деб аташган<sup>51</sup>. А. Бакихановнинг ёзишига кўра, Шеки-Закатал зонасида абдал уруғи яшаган. «Туркменистон ССР тарихи» китоби (I қисм, Ашхабод, 1957, 141-бет)да кўрсатилишича абдаллар гуннилардан тарқалган ва асли гуннилардир. Бундан ташқари, Абдал қишлоғи илгариги замонда қорақалпоқларда ҳам бўлган. Илмий адабиётлардаги маълумотларга қараганда Эрон ва Туркияда ҳам шу номдаги қишлоқ бор бўлиб, уларда ўзларини абдаллармиз дейдиган халқнинг вакиллари яшайдилар. Урта асрларда Туркияда абдал уруғининг вакиллари кучли ижтимоий-сиёсий группалардан бирини ташкил этган.

**Ганлы.** Бу этноним Урта Осиёда, Озарбайжонда, туркий халқлар яшайдиган бошқа ўлкаларда кўпроқ учрайди. Шу нарсани айтиш лозимки, *Ганлыгел*, *Ганлыджа*,

---

<sup>51</sup> Қаранг: Пагиров Д. Д. Алфавитный указатель пятиверстной карте Кавказского края. Тифлис. 1913, с. 1.

*Ганлыбулак* каби топонимлар таркибидаги *ган* сўзи қон («кровь») маъносида бўлиши мумкин. Бироқ бу компонент ёрдамида тузилган топонимлар таркибида *кангли* ва *гангли//ганлы* этноними иштирок этади. Тарихдан бизга маълумки, кангли уруғи аслида йирик қабила бирлашмасидан иборат бўлиб, улар қозоқлар, ўзбеклар ва қорақалпоқларнинг этник составида ҳам иштирок этганлар. Бошқача қилиб айтганда, шу номдаги уруғ ва унинг номи ана шу халқлар орасида (этнонимикаси ва топонимикасида) ҳам учрайди. Сирдарёнинг ўрта оқимларида яшаган бу қабилавий бирлашма VIII асрнинг 70-йилларида ўғузлар ва қарлуқларнинг ҳужумлари ва зарбалари натижасида икки қисмга бўлиниб кетади. Бир қисми ғарбга қараб юриб, Орол денгизининг шимоли-ғарбий томонига бориб жойлашади, иккинчи қисми эса *Чу* ва *Талас* водийсига бориб ўрнашади. Биринчи қисм қанглилар, яъни Орол денгизига бориб ўрнашган группа кейинроқ ғарбга қараб яна илгарилаб юрадилар ҳамда печенегларга бориб қўшиладилар. Бироқ қипчоқларнинг сиқуви натижасида кангли-печенег бирлашмаси хазарларнинг ерларига ўтиб кетадилар.

Константин Багрянородскийнинг таъкидлашича: Қангарларнинг ҳаммасини эмас, балки бир қисминигина печенеглар деб аташади. Чунончи, уч вилоятда — Явдинрти, Кварцицура ва Хавдуксингала округларида яшайдиган халқни печенеглар деб юритадилар. Ана шу учта округда яшайдиган қангарлар XI асрнинг ўрталаригача Днепрнинг чап қирғоғида эдилар. Шу қанглиларнинг бир қисми ҳам Дунайга кетдилар. Бироқ қолган кўпчилик қисми эса шу ерда (Днепрнинг чап қирғоғида) қолиб, қипчоқ уюшмасига, бир оз кейинроқ (XV—XVI асрларда) эса нўғай уюшмаси составига кириб кетдилар. Бунга нўғайлар орасида кангли уруғининг борлиги ва тилга олинганлиги ҳам мисол бўла олади<sup>52</sup>.

Ўғуз-солжуқларнинг Закавказьени босиб олишда иштирок этган олтига туркий уруғ орасида қанглилар ҳам бор эди. Шунингдек, бу уруғдан чиққан аскарлар мўғул истилочиларининг орасида ҳам бўлган. Шундай қилиб, қангли уруғи Озарбайжонга ҳам шимолдан, ҳам жанубдан кириб келганлар<sup>53</sup>.

<sup>52</sup> Қаранг: Баскаков Н. Ногайский язык и его диалекты. М.—Л., 1940, с. 132—140.

<sup>53</sup> Қаранг: Г. А. Гейбуллаевнинг кўрсатилган мақоласи, 121-бет.

Газан этнотопоними «Озарбайжон ССР топонимиясида учрайдиган географик терминлар ва бошқа сўзлар луғати»да (1972 йил) «қозон» сўзидан деб нотўғри талқин қилинади. Г. А. Гейбуллаевнинг кўрсатишича «қазанбулаг», «казангел» каби топонимлар таркибида келган «казан» компоненти ҳақиқатан ҳам «қозон» (котел) деган маънони билдиради. Шунга қарамай, бу этнотопонимни фақат «ош қозон» деган маъно билан боғлаб изоҳлаш ҳамisha ҳам тўғри бўлавермайди. Д. Д. Пагировнинг китобида шу *газан* компоненти қатнашган 24 та ном келтирилади. Ҳозирги пайтда ҳам *газанлар*, *казанлык* каби этнотопонимлар учрайдики, буларнинг охиридаги қўшимчаси қарашлиликни билдиради. Шунинг учун ҳам Г. А. Гейбуллаев *газанчы* номини «қозон эгаси», «қозони бор киши» ёки «қозон тайёрлайдиган уста» деган маъноларда тушунмаслик керак, балки «қозон уруғига тааллуқли киши» деб тушуниш кераклигини алоҳида таъкидлайди. Бу сўзнинг охиридаги *-чи// -чы* қўшимчаси *-ли// -лы* аффиксининг ўрнида қўлланган бўлиб, эгалик маъносини билдиради. Бундай бўлиши тасодифий эмас. Агарда топоним «газанлы» формасида бўлганида эди, унинг маъноси «қозони бор киши» бўлиб чиқар эди. Худди шунингдек, «гурбанчы» «қурбон бўлган», ёки «талафот кўрган» маъноларини ифодалайди. Шунга кўра, юқоридаги *газанчы* сўзини уруғ номи билан боғлаб тушунтириш ҳар томонлама тўғри бўлиб чиқади. Бу фикрни шундай уруғнинг бўлганлиги ҳам тасдиқлайди. Бу уруғ қадимги булғорларнинг составида бўлган. 1290 йилдан бери маълум бўлган Қозон шаҳрининг номи ҳам ана шу уруғ ва унинг номи билан боғлиқдир. Русларнинг солномаларида булғорлар 1161 йилдан бери маълум. Қозон эса қипчоқ-булғор уруғларидан бири саналади. Озарбайжон топонимияси системасида *гыпчаг*, *болгаркэнд* ва *болгарчай* каби топонимларнинг мавжудлиги, қозон уруғи вакилларининг Озарбайжонга булғорлар билан (уларнинг составида) келганлигидан гувоҳлик беради.

**Гиләкәран** (Талиш тилида: *тиләкон*). Бу ойконим Астара шаҳридан 6 км шимол томонда жойлашган. Баъзи тадқиқотчилар бу ойконим (қишлоқ номи)ни ҳам уруғкабила номи билан боғлайди. Уларча, *гил*(э) компоненти «гель» деган уруғ номи эмиш. Бундай изоҳ албатта халқ этимологиясига асосланган бўлиши керак.

Озарбайжон топонимиясини ўрганишга бағишланган илмий конференцияда *гиләкәрән* талиш тилида *гиләкон* тарзида талаффуз қилинади, деб бежизга айтилмаган эди. Озарбайжонларнинг нутқида *гиләкәрон* сўзи жой номини билдириб, гилянларнинг уйи, ери деган маънони англатади. Бу қишлоққа биринчи бўлиб Ганбыр, Молла Гуламали, Магемедали, Бурханлар келган эдилар. Бу қишлоқнинг аҳолиси ана шу тўрт оиладан тарқалган.

Маълумки, Каспийнинг қирғоқлари, хусусан ҳозирги Астара пасттекислиги то XII асргача сув билан қопланган эди. Бу тўғрида сайёҳлар ҳам кўп ёзганлар. Яна шу нарса ҳам аниқки, Ленкоран пасттекислигида ўтган замонларда уйлар лойдан, пишиқ ғиштдан ёки тахтадан ҳам қилинган (қийс қилинг: тахтәкәран, талиш тилида *тохтәкәон* < *тохтә* — «тахта» — *ка* «уй» деган маънони билдиради, -*он* кўплик аффикси).

*Гиләкәон* ойконимининг ўзаги индоевропача *гили//гыли* сўзидан бўлиб, «лой» демакдир (*гиләкәон* < *гили//гыли* - «лой» — *ка* эса талиш тилида «уй» — *он* кўплик аффикси). Аслида талиш тилида бундай компонентли ойконимлар «уй» деган маънони беради. Қийс қилинг: «*Шы әкон* < *шија, ишти + кә «уй»* — *он* кўплик», *Сәпинәкон* < *сәпинә + кә + он*, *гиләкәон* < *гыл ә + кә + он* ва бошқалар. Бу географик номлар баъзан бошқачароқ формада, яъни -*кәон*, *ә-кәран* формантлари билан келади: Қиләкәран, Шижәкәран, Асханкәран, Селәкәран, Рудәкәран, Ленкәран, Се идәкәран, Шыхәкәран, Туркеран, Сәпнәкәран, Сифәкәран, Әләкәран, Зәнкәран, Одурәкәран, Оснакәран, Уракәран ва бошқалар. Б. В. Миллернинг ёзишига қараганда, «Силсила»да шундай маълумот бор: шайх Зоҳиднинг иккита оиласидан бири Хильякеран қишлоғида яшаган (қийс қилинг: *хил//хыл* «ботқоқлик», «лой»). Бу қишлоқни Астара шаҳридан бир неча чақирим нарироқда жойлашган Гилякеран қишлоғининг ўзи деб тахмин қилиш мумкин.

Н. Х. Мамедовнинг ёзишича тарихчилар, археологлар, этнографлар, тилшунослар *Ләнкәран* топонимининг этимологияси билан қизиққанларида, фақат -*кәран* формантига эътибор берганлар. Бироқ *кәнар* форманти уларнинг эътиборидан четда қолган. Масалан, Масалли районидаги *Рудәкәнар* ойконими бунга мисол бўлади. Аслида бу икки топоформант, яъни *кәнар* ва *кәран* бири иккинчисига синоним бўлиб ишлатилади. Бу тадқиқот-

чилар фанда мавжуд бўлган шундай бир фикрга суянадиларки, бу фикрга кўра *каран* талиш тилида мустақил сўз бўлиб, унинг ўзак қисми бўлган *ка*—«уй» деган маънони билдиради, *-он* форманти эса кўплик аффиксидир. Шундай қилиб, *кэран* бу тилда «уйлар» демакдир. Демак, бу фикрни ҳимоя қилувчиларнинг айтишларича, *лэнкэрэн* «қамиш уй» (*лэјнэ* — «қамиш») деган маънони билдиради. Кўринадики, бундай этимология бу номнинг ташқи формаси ва унинг талиш тилидаги маъносига асосланиб қилинган. Бу топонимга худди шундай изоҳни берган Н. Х. Мамедов: топонимлар, агар улар «уй» маъноси билан боғлиқ бўлса, *-кэран* форманти билан қўлланади-ю, бироқ *-кэон* форманти билан қўлланмайди? деган саволни қўяди: Н. Х. Мамедовнинг айтишича, ана шу масала ечилмаган. Бу ўринда шу нарсани ҳисобга олиш лозимки, Н. Х. Мамедов озарбайжон тилидаги *кэран* топокомпонентини форс тилидаги «қирғоқ», «сув бўйи», «чегара» маъноларини билдирадиган *канора* сўзи билан боғласа ҳам, бироқ бу топокомпонент аслида ўз ёзувига эга бўлмаган талиш тилига хос эмас. Талиш тилидаги *кэон* форманти *кэран* сўзидан эмас. Бу ҳар ҳолда форс тилига хос форма бўлиб, озарбайжон тилида кенг тарқалган. Ундан ташқари, «қирғоқ», «сув бўйи» маъноси талиш тилида *-кэно* форманти билан берилади (қиёс қилинг: *Ды экэно* — «денгиз қирғоғи», *рујэкэно* — «дарё қирғоғи» каби). Демак, унинг «уй» маъносидаги *кэон* (<кэ+он) билан боғлиқлик жойий ўқ. Шунингдек, Н. Х. Мамедов *-кэран//кэнар* формантлари билан боғлиқ бўлган топонимларни икки гурпуга бўлади: 1) «уй» маъноси билан боғлиқ бўлмаган топонимлар; 2) «уй» маъноси билан боғлиқ бўлган топонимлар. Бу фикрга биз қўшилмаймиз. Масалан, Тахтакэран, Ожакэран, Оснакэран ва Бошқалар. Бу ерда шу нарсани ҳисобга олиш лозимки, талиш тилига хос бўлган *-кэон* формаси озарбайжон тилида механик равишда *каран* тарзида қўлланган. Ундан ташқари, картографлар талиш тилининг талаффузини ҳисобга олмаганлар. Шунинг учун ҳам таниқли озарбайжон топонимисти Р. М. Юзбошевнинг қуйидаги фикрларини тўғри деб ҳисоблаймиз. Унинг фикрига кўра, мукамал ва жиддий топонимографик бир асарни яратиш учун, унинг материал базаси, сўзлиги ва картотекасини яратишдан ташқари, яна қуйидаги моментларга эътибор бериш ло-

зим: биринчидан, ҳар хил формаларнинг ёзилишига эътибор бериш, иккинчидан, топонимнинг номланиши, аталиши сабабидан келиб чиқиб, унга изоҳ бериш тинларини аниқлаш керак.

*Дархон*//*Тархан* этнотопоними Ўрта Осиё, Қозоғистон, Мўғулистон ва РСФСР ерларида учрайди. Айниқса, Ўзбекистоннинг Тошкент области ва Қозоғистоннинг Чимкент областларида кенг тарқалган. Масалан, *Дархон* — Тошкент область Коммунистик ва Ўрта Чирчиқ районларидаги қишлоқ номи; *Дархон* — Тошкентдаги маҳалла, *Дархонариқ* — Тошкентдаги катта сувнинг номи. *Дархон* — Қозоғистоннинг Сарағач ва Тулқубас районларидаги қишлоқларнинг номи ва ҳоказо.

Махтумқули Дарган (ҳозирги Дарганата) деган жойни эслайди. Бу ном 1331 йилдаги хитой харитасида ҳам қайд қилинган бўлиб, Жанубий Хоразмдаги Чигатой давлатига тегишли дейилган. Тархан — налогдан озод қилинган ер ва мулк бўлиб, топонимикада ҳам ўзизини қолдирган. Масалан, тарихда тархан ерлар, тархан қишлоқлар, тархан ҳунармандчилик корхоналарининг бўлганлиги маълум. Краснояр ўлкасининг жануби-ғарбидаги Чулим дарёсининг ўнг irmoғи бўлган Серж дарёси бўйида жойлашган Тарханка ойконими, Мордвия АССР нинг жанубий ерларидаги Тарханская қишлоғи, Пенза областидаги Тарханлар ойконими, Ульяновскдан шимолда Волганинги ўнг қирғоғидаги катта Тархан ва кичик Тарханлар рус ерларидаги ана шундай топонимларга мисол бўла олади<sup>54</sup>. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари орасида бу этнотопоним антропоним (киши номлари) тарзида учрайди. Топонимист Суён Қорасининг ёзишича, *Дархон* эркак кишининг номи бўлиб, мўғулча сўз бўлса керак ва у «мажбуриятдан кечилган», «озод қилинган» деган маънони билдиради. Лекин маҳаллий кишилар *дархон* сўзини «шодлик», «хурсандлик», «роҳат» деган маънода тушунадилар. Масалан, *дархон* бўлдим — «хурсандман», «хурсанд бўлдим» демакдир. Қ. Д. Номинхонов бу топоним аслида мўғулча бўлиб, «налогдан озод қилинган темирчи» деган маънони билдиради, дейди. Самарқанд областидаги жуда кўн географик номлар таркибида *дархон* сўзи иштирок эта-

<sup>54</sup> Қаранг: Мурзаев Э. В. Словарь местных географических терминов. М., 1959, с. 264.

ди. Масалан, Бошдархон, Жўрабойдархон, Озоддархон, Наймандархон каби топонимлар ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари бу ном Тархан тарзида ҳам учрайди. Маъноси: «ҳарбий мажбуриятдан озод этилган эркин киши». Тархон, Тархонон, Тархонболо, Тархонпоёт, Тархонсаёт каби топонимлар Зарафшон водийсидаги қишлоқ ва ариқларнинг номларидир.

Ҳақиқатан ҳам мўғул тилида *дархон* деган омоним сўз бор. Бироқ у бошқачароқ маънода қўлланилади. Бу маъноларга халқ орасидаги афсоналар билан боғлиқ бўлган халқ этимологияларини қўшмаслик керак. Масалан, Чингизхоннинг номи билан боғлиқ бўлган жуда кўп табиий чегаралар (ер тузилишининг хусусиятлари)нинг номлари бор. *Дархайла* (Дарха-ула) — «темирчи тоғ» (Чингиз билан боғлиқ) ёки *даруға* мўғулларда бирон шаҳар ёки областнинг бошлиғи, *дароға* — ифгонларда бирон округ ёки турма (қамоқхона)нинг бошлиғи, *дарға* — кўпчилик туркий халқларда налоглар тўплами ёки шу ҳақдаги тўпلام, *дархан* — уйғур тилида «мажбуриятдан ва налогдан озод киши», *таран//терадзу* — арман тилида налог йиғувчи чиновник ва ҳоказо.

Б. О. Орзубаева ўзининг «Қирғиз ва мўғул тилларидаги параллеллар» номли асарида мўғул тилида «темирчи» маъносини билдирадиган мўғулча *дархан* топонимини келтиради.

Эҳтимол, Дархон ойконимининг «мажбуриятдан озод этилган» деган маъноси мўғул тилига туркий тиллардан ўтгандир. Бу ерда яна XIII асрдаги мўғул Истилошигача бўлган турк-мўғул тилларининг бир-бирларига таъсирини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун ҳам Д. Номинхонов турк ва мўғул халқларининг ажодлари жуда қадим замонлардан, ҳатто уй ҳайвонлари қўлга ўргатила бошланган даврдан бошлаб бирга яшай бошлаганлар, деган эди. Б. Л. Гукасяннинг қайд қилишича, *тархан* сўзи атоқли отнинг компоненти сифатида қадимий хазарларда ҳам учраган. Масалан, Чорбан — тархан. М. Қошғарий *тархан* сўзининг ҳатто исломгача бўлган даврда ҳам «бек», «князь» маъноларида қўлланилишини кўрсатади. Е. Қўйчибоевнинг ёзишича, *дархан* — қозоқлардаги уруғ бўлинишларидан бирининг номи. В. В. Радловнинг бу ҳақдаги изоҳи жуда қизиқ: *даруға* — область ёки шаҳар бошлиғи (Osm), бозор қў-

риқчиси, полиция чиновниги; *дарға*, «бошлиқ», «начальник», «офицер», «кема капитани»; *Таркан* — «қадр-қиммат», «эътибор» ва ниҳоят *дархан/тархан* — имтиёзга эга бўлган ёки маълум имтиёзлар берилган табақа; чигатой уруғи (*Osm*), атоқли отнинг бир қисми.

Шундай қилиб, топонимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши узоқ ва мураккаб тарихий процесс бўлиб, турли-туман ижтимоий-тарихий, лингвистик факторлар билан боғлиқдир. Географик номларнинг ташкил топиши гўё бир қарашда стихияли ёки тасодифий бўлиб кўринсада, аслида бир қатор мураккаб лингвистик қонунлар билан чамбарчас боғланган бўладики, бу қонуниятларни аниқлаш ва кашф этиш тилшунослик фанининг махсус бўлими — топонимиканинг бевосита вазифаси ҳисобланади.



## МУНДАРИЖА

Кириш . . . . .	3
Топонимлар пайдо бўлишининг баъзи усуллари ҳақида . . . . .	6
Этнотопонимларнинг тарихий-лингвистик анализи . . . . .	16

ИБ № 1800

**Масъуд Алиевич Мамедов**

### НАЗВАНИЯ НАРОДОВ В ТОПОНИМАХ

*На узбекском языке*

Ташкент, «Фан»

*ЎзССР ФА илмий-оммабон адабиётлар  
таҳрир ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган.*

Муҳаррир *Қ. Оқилхонов*  
Рассом *В. Тий*  
Техмуҳаррир *Г. Чурина*  
Корректор *М. Асадуллаева*

Теришга берилди 9.11.81. Босишга рухсат этилди 3.12.81. P08317. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 3.0. Ҳисоб-нашриёт л. 2,3. Тиражи 2000. Заказ 188. Баҳоси 10 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 700047, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

